*Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!*

# Ишонч

6

1993 йил 6—12 февраль (99)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олинганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

СВИДЕТЕЛЬСТВО

о регистрации устава общественного объединения

## ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ

3 ФЕВРАЛДА Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Устави рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани топшириш маросими бўлди. Гувоҳномани Республика Адлия вазири М. М. Маликов топширди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов таъкидлаб ўтганидек, етти миллиондан ортиқ касаба уюшмаси аъзоси учун бу Устав фақат касаба уюшмалари фаолиятига ҳуқуқий асос берувчи ҳужжат бўлиб қолмайди. Айни пайтда у меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш йўлида касаба уюшмалари ҳаракатини бирлаштиришда ҳам муҳим рол ўйнайди.

**Суратда: гувоҳномани топшириш пайти.**

**М. МАМАДАМИНОВ олган сурат.**

## ҲИСОБОТЛАР ТИНГЛАНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли йўналишлари бўйича фаолият кўрсатаётган комиссия ва бўлимларнинг ўтган йил якунлари юзасидан ҳисоботлар бериш яхши анъанага айланиб қолди. Кенгашнинг бу иш услуби барчага маъқул тушди: бир томондан ошкоралик тўла таъминланиб, комиссия ва бўлим ходимлари бир-бирларининг фаолиятларидан тўла-тўкис хабардор бўлсалар, иккинчи томондан ҳамкорликда ҳаракат қилиш режаларини тузиб олиш имкони яратилди.

1992 йилда комиссия ва бўлимлар фаоллигида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган бир қатор Қонунлар қабул қилинди, амалдаги Қонунчиликка риоя этиш юзасидан методик хатлар, йўриқномалар ишлаб чиқилди, маданий тадбирлар ўтказилди.

Касаба уюшмалари Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан тузилган Битим асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида болаларни соғломлаштиришга бўлган эътибор кучайди. 1992 йилнинг ёзги мавсумида 422 мингдан ортиқ ўғил-қиз касаба уюшмаларининг соғломлаштириш масканларида дам олиб, ҳордиқ чиқарди. Оролбўйида истиқомат қилаётган 7,5 мингдан ортиқ бола Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг экологик жиҳатдан тоза минтақаларида даволандилар.

Касаба уюшмалари фаолиятини ёритишда «Ишонч» газетасининг роли ошди. Молиявий фаолиятни соғломлаштириш мақсадида тузилган «Ўзкасабабанк» оёққа турянти. Бошқа йўналишлар бўйича энг муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботларда асосий эътибор галдаги вазифаларга қаратилди. Комиссия ва бўлимлар ҳозирги шароитда нарх-навволар устидан назорат қилишда, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда ҳукумат идоралари билан ҳамкорликни кучайтирмоқдалар. Болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш юзасидан дастур ишлаб чиқиш, аҳолини иш билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Шу кун талаби асосида яна кўпгина йўналишлар бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Федерация кенгаши комиссиялари, бўлимлари, бўйсунувчи ташкилотларига билдирилган истаклар келажакда ишни янада яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Ҳисоботларни қабул қилишга бағишланган йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Ҳ. Собитов, Федерация кенгаши раисининг муовини М. М. Тўлаганова иштирок этдилар.

## «ИШОНЧ» СИЗГА ТАЯНАДИ

*ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!*

*1993 йилнинг дастлабки ойи ҳам ўтди. Ўтган йилларда бўлгани сингари бу йил ҳам «Ишонч»нинг ҳар бир сонини диққат билан ўқиб бораётганингиз келаётган хатлар оқимидан кўриниб турибди. Айтингчи, мутоала давомида газета мундарижаси ва қиёфасида бирор ўзгариш сездингизми? Газета бу йил қандай бўлишини истардингиз?*

*Шунга ўхшаш саволларга аниқ жавоблар топиш мақсадида Сиз азиз газетхонларга бир неча саволлар билан мурожаат этишни лозим топдик. Газета ҳамиша Сизнинг таклиф ва маслаҳатингизга таянади. Зеро газета тақдирига муассис, ижодий жамоа ва ҳомийлар қатори барча газетхонлар ҳам жон куйдириши аниқ.*

**1. Газетани мунтазам ўқиб борасизми, унга обуна бўлганмисиз ёки сотиб оласизми, яна қандай йўллар билан ўқийсиз?**

**2. Қайси мавзулардаги мақолалар Сизга кўпроқ ёқади, қандай муаммолар газета эътиборидан четда қоляпти?**

**3. Газета саҳифаларида касаба уюшмалари ҳаётининг шу тарзда ёритилишига ўз муносабатингизни билдиринг.**

**4. Қайси соҳа кишилари, аниқроғи, қайси замондошларингиз билан газета саҳифалари орқали учрашишни хоҳлардингиз?**

**5. Газетани янада қизиқарли, мазмунли, замонавий қилиб чиқариш учун нималар қилиш керак?**

**6. Газетанинг шанба куни чиқаётгани сизга маъқулми?**

**7. Маълумотингиз, хизмат соҳангиз, манзилингиз ҳақида қисқача баён этинг.**

Таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз, Азизлар!

**«ИШОНЧ» ТАҲРИРИЯТИ**

## Хабарлар мағзи

● ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий раҳбарлигидаги делегацияни ва мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари халқаро тараққиёт агентлигининг Ўрта Осиё бўйича регионал директори Крейг Бакни қабул қилди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонига кўра Содиқ Солиҳович Сафоев Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинланди.

● ХАЛҚ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг бўлиб ўтган сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Қ. Холмирзаев берган аризаси ва бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов тавсияси билан Андижон шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келган Қ. Обидов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов нутқ сўзлади.

● ЭКОЛОГИЯ ва сиҳат-саломатлик жамғармаси (ЭКОСАН) ташаббуси билан республикамизнинг юқори малакали тиббиёт ходимларидан ўнлаб мутахассислар Оролбўйи зонасида бўлишиб жойлардаги тиббиёт ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш ва беморларни қабул қилиш ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳар маҳалла оқсоқолларидан бир гуруҳини қабул қилди. Президент халқлар ва миллатлар ўртасида тотувликни таъминлаш, пойтахт ободонлиги, ёш авлод таълим-тарбиясига катта ҳисса қўшаётганлари учун маҳалла оқсоқолларига миннатдорчилик билдирди. Сўзга чиққан маҳалла оқсоқоллари вакиллари халқимиз бахт-саодати йўлида бор куч-ғайратини аямаётган Ўзбекистон Президентини дуо қилиб, уни 55 ёши билан табрикладилар.

# ИНТИЛГАНГА ОМАД ЁР

Ҳаққулобод шаҳрининг марказий кўча чорраҳаси яқинидаги қўшалоқ дўкон эътиборимни тортди. Қизиқаётганлигимни пайқаб менга ҳамроҳлик қилаётган район вакили ўша ёққа бошлади. Эшиклар пештоқидаги «А. Шамсиддинов номли хўжалик савдо шаҳобчалари» дейилган лавҳани ўқиб ҳайрон бўлдим.

— Сизларда район марказида барча хўжаликларнинг шунақа дўконлари борми? — сўрадим шеригимдан.

— Эҳтимол келгусида бўлиши мумкин, лекин ҳозирча шу хўжаликники фаолият кўрсатаяпти.

Пештахаталардаги моллар бинойидек эди. Қамалакдек товланган атлас кўзингизни олади. Қўшни озиқ-овқат дўконидаги турли хил мева ва сабзавот қиёмлари, қуритилган қоқилар иштаҳангизни қўзғатади.

—Сиз кўраётган маҳсулотлар хўжалик ёрдамчи тармоқларидан фақат иккитасигагина тегишли, холос.

— Бошқалари ҳам борми, ҳали?

Ҳамроҳим мамнун кулимсиради.

— Улар кўп,— кейин қўшиб қўйди.— Муҳими шуки, қишлоқда бекор қолган одамлар ёрдамчи тармоқлардан иш топди, маош олиб оила тебратиш имконига эга бўлди. Хўжалик касаба уюшма қўмитаси, биринчи навбатда, унинг раиси Иномжон Сиддиқов бу борада чинакамига жонкуярлик кўрсатди.

...Мана И. Сиддиқов билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Бундан уч йил олдин юз берган эди бу воқеа,— сўзини бошлади қўмита раиси.— Эрта баҳор кунларида ёшлар тўпланадиган одат чиқаришди. У ёқдан — бу ёққа бемақсад юришар, асабга тегишарди. Кўплари мактабни битиришган, баъзилари армия хизматини ҳам тугаллаб келишганди. Экишга ҳозирлик қизиб кетган бўлса-да, далага чиқишмас, чунки бригадаларда ишчи кучи етарли, фермада ҳам аҳвол шу тариқа эди. Шунда қўмита уларни ишга жойлаштириш масаласини бошқарув маъмурияти олдига қўйди. Раҳбар ходимлар орасидан:

— Район ёки вилоят марказига боришсин, иш сероб, ўзлари такасалтанг, меҳнат қилишни хоҳлашмайди,— дегувчилар ҳам топилди.

Лекин биз масалани қаттиқ қўйдик. Лозим бўлса, ёрдамчи тармоқлар ташкил этиш мулоҳазасини билдирдик. 22 йигитни бирлаштирган «Бинокор» кооперативи шу тарзда юзага келди.

— Ўйлаб кўрсак, кооперативга тортилган йигитлар қишлоқдаги бекорчиларнинг кичкинагина бўлаги экан,— дея давом этди И. Сиддиқов, — Ишсизликни бартараф этишнинг кенг кўламдаги имкониятларини қидириб топишга киришдик.

Қасаба уюшма қўмитаси раисининг гапларида жон бор эди. Дарҳақиқат, Норин район, Туда қишлоғидаги 8 мингдан ортиқ аҳолининг 966 нафаригина хўжалик ишлаб чиқаришига тортилган. Шу боисдан касаба уюшма бу соҳадаги муаммони ҳал этишнинг ишончлироқ дастурини тайёрлаб маъмуриятга тақдим этди. Хўжалик раҳбарлари эса уни қўллаб-қувватлашди.

— Юринг, кўмакчи тармоқларимиз билан таништираман, уларнинг қандай самара келтираётганлигини кўриб ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз,— таклиф этди Иномжон Сиддиқов.

Идора биносидан салгина юрмасимиздан таъмирланган эски сарой дарвозасидан кирдик. Томи ёпилган айвон тандирчилик цехи экан. Бу ерда 6 киши ишлаяпти. Келадиган даромаднинг тенг ярми ҳунармандлар чўнтагига тушади. Хом ашё, транспорт хўжалик ҳисобидан. Худди шу усулда қишлоқнинг уч жойида қассоблик дўкони, 4 та новвойхона, темирчилик, расм олиш, сартарошхона, 3 жойда ошхона ва бошқа шаҳобчалар ишлаяпти.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва атлас тўқиш цехлари қишлоқ ёшларига айниқса қўл келмоқда. Уларда хўжаликнинг режадан ташқари тайёрланган пилла ипагидан атлас тўқилиши билан бир қаторда шаҳсий томорқа хўжаликларидан қабул қилиб олинаётган олча, ўрик, саримсоқ пиёз ва бошқа хил маҳсулотлар ювиб, тозаланиб шиша идишларга жойланмоқда.

Ўтган йил ўрталаридан фаолият кўрсата бошлаган плёнка тайёрлаш цехи маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Бу ерда ҳозирча турли ҳажмда қоғоз халтачалар, парник хўжаликлари учун асқотадиган плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келажакда ҳар хил ҳажмда стаканлар, ликоблар, гул вазалари, рангли тугмачалар тайёрлаш кўзда тутилган.

Пахта майдонларини камайтириш ҳисобига боғ-роғлар, сабзавот пайкаллари кўпайиб бораётганлиги лимонад цехи очиш заруратини туғдирди ва ўтган йилнинг ёз ойларида дастлабки маҳсулот қишлоқ савдо дўконларига чиқарилди. Мавсумда 200 яшиккача тайёрланган бу тур маҳсулот эндиликда бутун район аҳолиси дастурхонига етиб бормоқда.

— Тикувчилик, метал буюмларни қайта ишлаш, икки жойдаги «автосервис» устахоналарини қўшиб ҳисоблаганда 30 га етиб қолган ёрдамчи тармоқларда 450 га яқин одам ўзи учун иш ўрни топишга муяссар бўлди,— дейди хайрлашишимиз олдидан хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси И Сиддиқов.— Лекин бу билан муаммолар тўла-тўкис ҳал этилди, деб айтишга вақт эрта. Шунинг учун ҳам Наманган абрли газламалар комбинати, вилоят ва райондаги тегишли корхоналар, ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиб бекор юрганларни ишга жойлаштириш чораларини кўрмоқдамиз. Токи, ҳеч ким ишсиз қолмасин, ҳар бир киши ҳаётда ўз ўрнини топиб, оила тебратиш, болачақасини боқиш имкониятига эга бўлсин!

**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Уй-рўзғор, кийим-кечагинг жавон билан саранжом. Шунинг учун келин учун куёвникига сеп қатори яхши кийим жавони билан бориш қадимдан одат. Тошкент вилояти, Олмалиқ мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти хорижий мамлакатларнинг ойнадай ялтироқ жавонларидан қолишмайди.**

**Суратларда ана шунай жавонлар етказиб бериш цехининг бир гуруҳ моҳирлари: Абдужаббор Норбоев, Дима Тян, Д. Эшонқулова, Д. Маматқуловалар.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## СОЦИАЛ ҲАЁТ БИЛАН ТАНИШУВ

Яқинда Жаҳон банки делегацияси Ўзбекистонда бўлиб социал ҳаётимиз билан яқиндан танишди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Меҳнат, Молия, Социал таъминот вазирликларида, пенсия жамғармасида, Тошкент иқтисодиёт университетида, «Госкомпрогноз»да мутахассислар, олимлар билан суҳбатлашдилар.

Вазирлар маҳкамасида якунловчи учрашув бўлди.

Танишув давомида Жаҳон банкининг социал масалалар бўйича йирик мутахассиси, банкнинг Овропа ва Марказий Осиё III бўлинмаси социал ресурслар бўлимининг бош иқтисодчиси Михаил Милс Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида қабул қилинди. Федерация кенгаши раиси Б. А. Алламуродов учрашувда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Сўнг социал сиёсатнинг турли йўналишлари бўйича ўзаро фикр алмашинди.

Шу йилнинг март ойида Вашингтонда социал масалалар бўйича семинар ўтказиш мўлжалланмоқда. Унга республикамиздан кўпгина манфаатдор ташкилотлар ҳам таклиф этилади. Жаҳон Банки делегациясининг шу семинар олдидан республикамизда бўлиши социал муаммоларни биргалашиб ҳал этишга кенг йўл очиши табиий.

## ФАОЛЛАРНИНГ ҚИШКИ ЎҚУВИ

● ТОШКЕНТ вилояти агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган қишки ўқув машғулотлари ниҳоясига етди. Машғулотларда вилоятдаги барча давлат ва жамоа хўжаликлари касаба уюшмалари қўмиталари раислари бир ҳафта давомида жамоа шартномалари ижросини тахминлаш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, меҳнат шароитини яхшилаш, касаба уюшмаси бюджетини шакллантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби каби масалалар бўйича мутахассислар, олимлар, касаба уюшмаси ходимларининг қизиқарли маърузаларини тингладилар, ўзаро фикр алмашдилар, амалий дарсларда қатнашдилар.

Тингловчилар машғулотлар давомида республика касаба уюшмалар ва қишлоқ хўжалиги раҳбар органлари вакиллари билан учрашиб ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Учрашувларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи муовини Т. Х. Собитов иштирок этди.

**«Ишонч» мухбири**

**«Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар адолат юзасидан, тўқроқ ва тўкинроқ яшашлари керак эмасми?»**

**Ислом КАРИМОВ.**

# ФУҚАРОСИ БОЙ БЎЛҒАЙ ЎЗБЕКИСТОННИНГ

***МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг 60 фоизига яқин аҳолиси қишлоқда истиқомат қилади. Кейинги пайтларда қишлоқларга ҳам фермер, ширкат, фирма, кичик корхона, қўшма корхона, хусусий корхона ва ҳоказо атамалар кириб келди. Бундан беш-олти йил аввал фақатгина далада эртадан-кечгача ишлайдиган деҳқон бугун анча қад ростлаяпти. Кўп нарсани биладиган бўлди. Баъзан ўйлаб қолардим, фақатгина пахтага ихтисослашган Ўзбекистонни ривожлантириш хийла қийин бўлса керакдек. Лекин мумкин экан. Нега деб сўрарсиз. Бунга республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳамда ҳукуматимиз олиб бораётган ниҳоятда тўғри сиёсатнинг чуқур иқтисодий томонларини англаб етганимдан кейин амин бўлдим. Хўш, мустақил юртимиз равнақини нималарда кўряпман? Қолаверса, буюк ўзбек диёри гуллаб-яшнаши билан ҳозирги олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар орасида қандай боғлиқлик бор? Албатта, иқтисодий ислоҳот аввало ватан равнақини кўзлаб олиб борилади. Демак, фикрлар муштарак. Келинг, фикримизни исботлайлик.***

ТОШКЕНТ шаҳаридаги ҳар бир янгилик Тошкент вилояти районларига тез тарқайди. Президентимизнинг фермер хўжаликларга ер, кредит ва ҳоказо қулайликлар яратиш ҳақидаги фармони чиққандан сўнг, фермер бўлишга астойдил интилган Бекобод районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигида яшовчи Мирзаҳамдам Боймуродов давлатдан 70 минг сўм қарз олди ҳамда 13 кишидан иборат оилавий фермер хўжалиги ташкил этди. Бугунга келиб унинг қарамоғида 10 та буқа, 40 га яқин қўй, 200 дан ортиқ товуқ, 5 та от, 50 дан ортиқ ўрдак, ҳаттоки балиқ етиштирадиган хўжалиги ҳам мавжуд.

Зангиота райони, Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигида ташкил этилган «Феруза», «Чорвадор» ва «Бойсун» фермер хўжалик бошлиқлари Баҳодир Тўлаганов, Ғайбулла Аҳмедов, Маҳмуд Азаматовларнинг ҳам кайфияти, шашти баланд.

— Хўжалик ёрдам бермаганида,— дейди Баҳодир Тўлаганов,— Биз фермерлар синиб қолишимиз, бошқа ишни ихтиёр қилишимиз мумкин эди.

Инсонга орзу-ўйларини амалга ошириш учун мадад керак. Хўш, Баҳодир кимдан олмоқда шу мададни? «Феруза» 1992 йилда шартномага мувофиқ жамоа хўжаликка 15 тонна сут берди. Бу сут эса болалар боғчасидаги болакайларни қувонтирди. Жамоа хўжалиги раиси Зоирхон Ниёзов фермерларни қўллаб-қувватлади. Шунинг учун ҳам Баҳодир Тўлаганов, Ғайбулла Аҳмедов, Маҳмуд Азаматовлар ниҳоятда бардам.

— Ўзимиз қилаётган ишимиздан, эришилаётган натижалардан қаноатланмаяпмиз. Сарф-харажатларни аранг қоплаяпмиз. Бизга ажратилган ер уйимиздан анча йироқда. Оиламиз билан у ерга бориб-келиб ишлашнинг ўзи бўлмаётир. Орзу қиламиз: бизга ажратилган ернинг бир чеккасида кичикроқ бўлса ҳам қурилиш қилсак, техника-ускуналар олиб келсак, турар-жой барпо этсак, оилавий бўлиб, ёпишиб ишласак. Цех қуриб қаймоқ, пишлоқ, чакки, айрон, қурут тайёрлашни йўлга қўйсак. Иложи бўлса, колбаса ҳам ишлаб чиқарардик. Ана унда бизни ҳақиқий фермер деса бўлади.

Қандай илҳомбахш гаплар-а. Аммо, шароит керак. Вақт, маблағ зарур. Фермерларга кенг йўл очилмоқда, улар ўзининг кўп миқдордаги маҳсулотини ўз ихтиёри билан сотишга жамоа хўжалиги ёки давлат хўжалиги аҳли билан ҳамжиҳат амалга оширмоқда. Бундан ташқари жамоа хўжалигидаги мавжуд ижтимоий ҳимоянинг барча усулларидан фойдаланмоқдалар. Уларнинг дилидаги армони ушалсин дегандек Вазирлар маҳкамаси қабул қилган қарор ва «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банкининг очилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу қарор минглаб Баҳодир, Ғайбулла, Маҳмуджон сингариларни қувонтирмайди дейсизми?

Биз узоқ йиллар шижоатимизни тўлиқ ишга сола билмадик. Бўғилдик. Натижада ялқовликка, лоқайдликка юз тутдик. Нимаики ишлаб чиқарилса, барчасини давлат ўз қўлига олди. Ҳаммасини ўзи қилмоқчи бўлди. Оқибатда сифатсиз матолар, кийимлар, пойафзаллар, ҳеч ким олмайдиган, олса ҳам ёлчимайдиган нарсалар дўконда қалашиб кетди. Эндиликда ўшалар ҳам йўқ. Чунки давлат одамлар эҳтиёжини қондира олмайди, етишмовчиликларга йўл қўйилди. Холбуки, одамлар ўзини-ўзи тўйдира олади. Қандай қилиб дейсизми? Мана биргина мисол: Зангиота райони «Адолат» ширкати иш бошлаган. Уларнинг асосий хом-ашёси синиқ шиша қолдиқлари, гулдонлар, қанддонлар, қадаҳларни сотиб олишлари мумкин. Эҳтимол, бу ширкат ривожланиб, келажакда энг нафис идишлар ҳам ишлаб чиқарар. Косиблар, дўппидўзлар, дурадгорлар, чилангар, темирчилар, тандирчилар, қандолатчилар, бешикчилар, тунукасозлар, кийим тикувчилар, ип йигирувчилар, сополчи-ю, хусусий фермерлар бизга жуда керак. Улар ўз орамизда, яқинимизда бўлса хоҳлаган нарсамизни буюртма қила оламиз. Бундан чиқадики, агар кичик корхоналарга, фермерларга кенг йўл очилса, улар келгусида йирик саноатга айланишлари турган гап.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлиқ ҳукумат раҳбарлари оқилона иш тутиб, қишлоқ меҳнаткашларининг манфаатдорликларини моддий жиҳатдан тобора ошириб боришлари, уларнинг мустақиллиқларини таъминлашлари қўл келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1993 йил етиштирилажак пахта толасининг режадаги 20 фоизи, пилланинг 30 фоизи, каноп, тамаки, қоракўл, жун, гўшт ва сутнинг 15 фоизигача хўжаликларнинг ўзида қолади. Бу тадбир хўжаликларнинг эркинлигини, бозор иқтисодиётига кўникиб кетишларини таъминлайди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» китобида қуйидагиларни ўқиймиз: ...Имкони бўлса эди, биз Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлардик.

...Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак».

Ана шу сўзлардан ҳам кўриниб турибдики, биз бозор иқтисодиётига ўз урф-одатимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз билан кириб боряпмиз. Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори мустақиллик сари, ишбилармонлик, ташаббускорлик сари ташланган яна бир муҳим қадамдир. Биз бу қарорни қўллаб-қувватлаган ҳолда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ X сессиясида 1992 йил 2 июлда сўзлаган нутқидан қуйидагиларни фахр билан тилга оламиз:

«Бугунги кунда Ўзбекистон келажагини яратаётган серғайрат ёшларимизни бошимизга кўтаришимиз лозим. Ватан учун жонини жабборга бериб ишлайдиган фидоий кишиларсиз Ўзбекистон келажагини тасаввур этиб бўлмайди».

Ҳақиқатдан ҳам ишбилармон, ташаббускор, фермер, фидокор деҳқон борки, вақтини беҳуда ўтказмайди. У доим изланишда, бойишда, бошқаларни ҳам бойитиш ёхуд бойишга ўргатишда. Ҳозир энг муҳим давр. Қалдирғоч каби қанот қоқаётган мустақил юрт, шубҳасиз улуғ халқи билан бирга улуғдир.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
**Тошкент вилояти агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.**

## «ПАРДОЗ»НИНГ ПАРВОЗИ

Нормурод Жўраев ишбилармон киши. Унинг ташаббуси билан Қасбй райони, Мирзо Улуғбек номидаги давлат хўжалигининг маркази — Човқай қишлоғида «Пардоз» кичик корхонаси ташкил этилди. Унинг мақсади аҳолини қурилиш материаллари билан таъминлашдан иборат.

Корхона фаолият кўрсатгандан буён юзлаб оилалар қурилиш материаллари сотиб олишди. Кўпчилик оилалар уйлари томларини ёпиб, кўчиб ўтишди.

«Пардоз» кичик корхонаси Россиянинг бир қатор вилоят ва ўлкалари билан шартномалар имзолаган. Шартнома бўйича кичик корхона жамоаси у ерларга пиёз, қовун-тарвуз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради. Улар эса қурилиш материаллари билан таъминлайди. Товар айирбошлаш ҳар иккала томон учун қулайликлар туғдиряпти. Корхона иш бошлагандан буён давлат хўжалиги қишлоқларида яшовчи маҳаллий аҳоли қурилиш материалларига зорикмади. Ёғоч ва тахта излаб аввалгидек Косон, Муборак, Қарши шаҳарларига қатнаб овора бўлишмади. Иморатбоп қурилиш материалларини шу ернинг ўзидан арзонга сотиб олмоқдалар. «Пардоз» кичик корхонаси иш бошлагандан буён хўжалик ва аҳолига 100 куб метрдан ошиқ қурилиш материаллари етказиб берилди.

Ҳамкорлик туфайли «Пардоз» кичик корхонасининг иши ривож топиб, янада юксакроқ парвоз қилмоқда.

**Жўра ЮСУПОВ.**

## ХАМИР УЧИДАН ПАТИР

ЖОНДОР райони марказида консерва цехи иш бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Бухоро вино заводига қарашли мазкур кичик корхона ўтган қисқа давр ичида муайян ютуқларга эришиб, қаддини тиклаб олди. Бу ерда бешта район хўжаликларидан келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланмоқда. Улардан тайёрланган мураббо, қиём, томат пастаси, турли хил шарбатлар, шунингдек, тузланган бодринг, помидор, карам истеъмолчиларга манзур.

Яхлит ишлаб чиқариш жараёнини вужудга келтиришда чет эллик мутахассислар билан яқин ҳамкорлик асқотди. Барча асбоб-ускуналар Италияники бўлиб, маҳсулот тайёрлаш замонавий технологияга асосланган. Янги цехнинг барпо этилиши туфайли 80 кишини иш билан таъминлаш имкони туғилди. Уларнинг ярми мавсумий. Корхона ҳовлисида иссиқхона, душ, ошхона мавжуд.

— Пишиқчилик фаслида хомашёнинг ғамини еганмиз,— дейди цех бошлиғи Ғафур Гадоев.— Шу боис фаолиятни тўхтатганимиз йўқ. Иссиқхонамизда етиштирилган лимон, сабзавот, резаворлар аҳоли дастурхонига пешма-пеш тортиқ этиляпти. Булар хамир учидан патир. Яқин келажакда корхона қувватини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш ниятимиз бор.

**Н. ТОШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ГЎЗАЛЛИК

## Паркент райони ҳокими Эркин Рўзматов билан суҳбат

**— Эркин ака! Сиз доим маънавий ва моддий гўзаллик ҳақида гапиришни ёқтирасиз. Сиз эътироф этадиган гўзаллик ҳақида гаплашишдан илгари Паркент халқининг Сизга бўлган муносабати ва мана шу муносабатнинг келиб чиқиш сабабларини сўраш ниятидаман. Халқ Сизни олижаноб, меҳрибон ва эътиборли раҳбар сифатида билади. Ҳатто бирор одамни ранжитганингизни ҳеч ким билмайди.**

— Албатта, бундай сўзлар бир мени эмас, ҳаммани ҳижолат қилса керак. Бор-ди-ю, мана шу масала ҳақида фикрлашадиган бўлсак, бу масала инсоннинг табиати, яна ҳам содда қилиб тушунтирсак, инсоннинг феъл-атвори, яъни ота-боболарининг қонларига бориб туташадиган тушунча-туйғулардир. Эсимни танибманки, доим инсоннинг ҳайвонот оламидан ажратиб турадиган юксаклиги, боринки фарқи — унинг икки оёқда юриши, гапиришигина эмас, балки унинг инсонийлиги, яъни олижаноблиги, донолиги, яратувчанлик хусусияти ҳақида эшитаман, китоблар шуни эътироф этади, инсоннинг диққат марказида ҳам шу хусусият туради. Демак биз мана шу инсоний аломатлардан ташқарига чиқиб иш кўришга асло ҳақкимиз йўқ. Тўғри, баъзан қотил ҳам, жиноятчи ҳам, тубан киши ҳам инсоний олижаноблик, эзгулик ҳақида гапириши мумкин, бироқ амалда эса аксини қилади. Бундай одамларнинг инсонийликка, гўзалликка мутлақо алоқаси йўқ. Гўзаллик асли инсоннинг табиатидан, одамларга кўрсатган илтифотидан бошланади ва бундай одамлардан халқ доимо миннатдор бўлади. Мен учун биргина кўнгилсизлик — одамларни ўринсиз ранжитиб қўйишдир.

**— Назаримда адабиётнинг муқаддас вазифаси ҳам гўзалликни мадҳ этиш ва одамларни тубанликлардан халос этишдир. Албатта, бу ҳам нисбий тушунча. Ўртада эзгулик ва муқаддаслик, яъни Ватан ва миллатни севиш ва уларни кунига яраш тушунчаси ҳам мавжуд.**

— Барча кечмиш ва жараёнларга табиий деб қараш керак. Борлиқнинг гўзаллиги қаршисида инсон, ҳайвон, қушлар олами боринки ўсимликлар борасидаги гўзаллик нисбий тушунчага айланиб қолади. Бутун борлиқ жамланиб тушунилганда тўла гўзаллик ҳақида аниқ бир фикрга келишимиз мумкин. Ҳайвонлар, қушлар, мевалар ва ўсимликлар турларининг кўплиги кўзларимизни қувонтиради, қалбимиздаги ҳисларимизни жўштиради ва шу тариқа умримиз узаяди. Турли йиғинларда, ҳатто жамоа ва давлат хўжаликлари раҳбари билан тўқнашганимда, кўпчилиги баъзан ерларини халққа бўлиб бериш масаласига келганда сочлари тикка бўлиб, норозилик билдирадилар. Мен ҳам узоқ йиллар давлат хўжалигини бошқарганман. Менинг қабулимга ҳам одамлар кириб ер сўрашса, баъзан ўйга толар, қалбимда норозилик туйғулари қўзғаларди. Ёш бир жойга етиб, таъбир жоиз бўлса, ақл тўлиб, шундай қарорга келдимки, ҳар қандай одамнинг, қолаверса раҳбарнинг ҳам халқдан бошқа ташвиши бўлиши асло мумкин эмас. Вақтинчалик амалидан фойдаланган ва ҳамёнини ўйлаган кишиларнинг тақдирлари маълум... сирасини айтганда, фалсафа нуқтаи назаридан қаралганда, бу ерни миллион йилларким ҳеч ким елкасига ортиб, бирор ерга олиб кетолгани йўқ. Одамлар ўтиб кетаверади, ер эса жойида қолаверади... фақат турли даврларда туғилган — дунёга келган одамлар мана шу ердан фойдаланади, болачақа боқади ва яна ер билан хайрлашиб дорулбоқога кетаверади. Демак ерни одамлардан қизғанишимиз, ер юзида ҳаётнинг гуллашига тўғаноқлик қилиш билан баробар.

**— Давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳозирги қийин шароитда ерларни эҳтиёт қилишга керак-да...**

— Шундай. Лекин халқнинг шароити ҳам оғир аҳволда қолган кезда уни ким авайлайди? Сигирни яхши боқсангиз кўп сут соғасиз. Овқатсиз соғишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Гарчи бу фалсафа алмисоқдан қолган бўлса-да, такроран айтиш барибир фойдадан ҳоли эмас. Мен шу қийин йўлларни босиб ўтдим. Мактабни тугатганимдан кейин қурилишда Юнусов Турғун ака деган кишига шогирд тушиб, беш йил ёғоч устаси бўлиб ишладим. 1965-72 йилларда эса мактабда меҳнатдан кейин рус тили ва адабиётдан дарс бердим. 1972-75 йилларда мактабда илмий мудирлик қилдим. Шу йилларда жуда катта тажриба орттирдим. Одамларнинг табиатларини англадим. Файласуфлар «меҳнат одамни гўзал қилади» дейишади. Буни янги фикр деб бўлмайди. Бу ҳаётий ҳақиқат. Инсон гўзал бўлиш учунгина меҳнат қилмайди. Меҳнат қилиш заруриятга айланганидан кейин, яъни яшашнинг биринчи воситаси — зарурият бўлгани учун ҳам меҳнат қилади. Яшаш фаолиятининг ягона зарурияти меҳнат. Ҳалол меҳнат қилмаслик инсонни «инсонийлик»дан узоқлаштиради. Ҳаромхўрликка ўргатади. Ҳаромхўрлик эса барча ифлосликларни келтириб чиқаради. Жиддий эътибор берсангиз асл меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари орасидан ёмонлари кам чиқади... бу ҳам гўзаллик... янглишмасам ҳадисларда ҳам деҳқонни жаннатга биринчи кириши ҳақида ақида мавжуд.

**— Кейинги меҳнат фаолиятингиз ҳақида ҳам озгина гапирсангиз. Чунки менинг ўзим ҳам деярлик меҳнат фаолиятингиз билан таниш эмасман.**

— 1975 йили мени район партия қўмитасига ходим қилиб тайинлашди. Юқори Чирчиқ райони билан Паркент райони ажралиб чиққанидан кейин эса район ижроия қўмитасида бўлим мудири бўлиб ишладим. 1985 йилда мени район халқ назорати қўмитасига раис этиб тайинлашди. 1987 йили эса «Гулбоғ» давлат хўжалигига бошлиқликка сайлашди. Мана шу ерда эркин ижодий фаолиятим бошланди. Энди ўз нуқтаи назаримни, дунё қарашимни амалга ошириш имкони туғилди. Назаримда энди инсон фаолиятидаги гўзал жараёнлар ҳақида ҳам озгина фикрлашсак бўлар...

Одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам биласизми, узоқ йиллар оддий ҳаёт йўналишига қараб ишлаш, яъни келиб-кетишга жуда кўниккан, лекин тараққиёт ҳақида деярлик ҳеч ким бош қотирмайди. Бу ҳол менга дангаса одамнинг хатти-ҳаракатларини эслатарди... Раҳбарларнинг кўпчилиги асабий, халқнинг фикрини эшитишни, уни тафтиш қилишни истамагандай кўринарди. Ерлар ҳам беҳад толиққан. Ҳосилдорлик жуда камайиб кетган. Асосий масала — халқнинг ҳуқуқи чеклаб ташланган... бу ерларда гўзаллик, гўзал тушунчалар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Деҳқонларни йиғиб, ҳар бир бригадага бориб, одамлар билан алоҳида суҳбатлашдим. Қандай қилинса оғир шароитдан чиқиш ва ривожланиш мумкинлиги ҳақида жиддий сўрадим. Ҳамманинг фикри бир ердан чиқди. Деҳқонларга эрк бериш, яъни ўз ихтиёрларини ўзларига топшириш ва ҳар томонлама уларга кўмаклашиш масаласи кўндаланг турар эди. Зудлик билан деҳқонларга ерларни бўлиб бердим. Уруғликларини вақтида етказиб бериб турдик. Иш қуролларини ҳам ўз ихтиёрларига топширдик. Қарангки, ўша йили илгариги йилларга қараганда икки баробар ҳосил кўп кўтарилди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзларига олиб қоладиган даромадларини уйларига машиналарда ташлатиб ҳам бердим. Баъзан қайсидир деҳқоннинг ҳосили сувнинг тақчиллиги ё ернинг нобоблиги туфайли кўзлангандай бўлмайди. Бундай кезларда деҳқоннинг ўз кунини кўриш учун етарли ҳосилини бериб турдик. Бояқишлар келгуси йили эса олдинги йил қарзини ўзбилигича узиб кетишди. Демак бизнинг ишончимиз ўзини оқлади. Шу усулни ҳар йили кенгайтириб боравердик. Натижада тез орада ноҳияда биринчилар қаторига чиқиб олдик. Бу ҳол қалбимни гўзаллик туйғуси билан тўлдирди.

«Гулбоғ» давлат хўжалигида 1990 йилгача ишладим. Сўнг оз муддат район ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишладим, кейин эса район партия қўмитасига биринчи котибликка сайландим. Ҳозир ўзингиз қараб турганингиздай район ҳокимиман.

**— Сиз эътироф этаётган тўла маънодаги гўзалликни англаб етиш ва ҳис қилиш учун инсон фикрлаш қобилиятидан кенг кўламда фойдаланмоғи зарур. Албатта, мушоҳадаси кенг кишиларнинг туйғулари ҳам теран бўлади.**

— Ҳозиргина мана шу ҳақда гапириш ниятида эдим, озгина фикрим чалғиди. Чамаси инсон тафаккури маҳсули бўлмиш — фикрлаш, қонлар туғёни самараси бўлмиш — ҳисларнинг ҳам даври, яъни фасли бўлади. Ҳаммамиз ҳам тарих китобларини ўқиганмиз. Тарихдан дунё файласуфлари ва тарихчилари, адабиёти ҳақида маълум маълумотларни ҳам олганмиз. Эрадан олдинги арабларнинг турли соҳалардаги тараққиёти, бунёдкорлик санъатининг беҳад даражада юксалгани, жумладан эҳромларига чиқарилган жуда катта оғирликдаги тошлар ҳамон киши ақлини лол қолдиради. Техника тараққий қилмаган бир пайтда шундай ишларнинг амалга оширилиши, мурдаларни мўмиёлаб, шу кунгача чиритмай етказиб келиши, ундан кейинги юнон файласуфларнинг дунёга келиши ва эндиликда мана шу улкан юртнинг фалсафаси сукутга толгани кишини ҳайратга солади. Ёки Турон ҳудудидаги манзарага назар ташлайлик. Бир пайтда Фарғоний, Фаробий, Сино, Беруний, Улуғбек, Хоразмий каби доноларнинг етилиб чиқишлари, мўғуллар босқинига қарши чиқиб, миллати кўп болалардан халос этган, жаҳонгир Жалолиддин Мангуберди ва ҳазрат Темурларни олиб кўринг. Шу манзарадан кейин биз, инсон тафаккури ва ҳисларида турғунлик фасли бўлади, деган қарорга келишимиз мумкинми?! Нисбатан мумкин. Инсон аҳлининг озуқаси, яъни қайроғи-фалсафадан, адабиёт ва санъатдан, фаннинг турли соҳаларидан баҳраманд бўлишдир. Мана шу омиллар тўла бажарилгандан кейингина инсон юксак даражада фикрлаш қобилиятига эга бўлиши, тўйғулари ҳам камол топиши мумкин.

**— Назаримда ҳозирги шароитда зиёлилар, яъни саводхон кишилар билан оддий меҳнаткаш, яъни деҳқонлар орасида кескин фарқ сезила бошлади. Зиёлилар турли соҳаларда маълум бир фикрга эга, деҳқонлар эса фақат меҳнатдан, болачақа боқишдан бошқа нарсани билмай қолди.**

— Гапингизда жон бор. Ким билади, балки шундай даврлар келар, мактабларда болаларнинг илк дарсларини турли фанлар, фалсафа, эзгулик ва муқаддасликка ўргатувчи, яъни уларнинг тафаккур қудратини кучайтирадиган, ҳисларни қарайдиган илмлар ўргатила бошлар. Менга қолса, шу кунларда ҳам раҳбарларга ҳафтасига икки-уч марта мана шу дунёвий илмлардан дарс бериб боришни жорий қилган бўлардим. Бу фойдадан ҳоли бўлмасди. Ўйлаб ўйингга етолмайсан киши. Бу ерларнинг табиатларини сиз ҳам яхши биласиз. Болалик кезларимизда мана шу ерларда қушларнинг минглаб турларини кўрардик. Кўзларимиз қувнарди. Эндиликда ўша қушларнинг деярлик ҳаммаси йўқолиб кетди... табиат маълум даражада қашшоқлашиб қолди. Бу кимнинг фойдаси-ю, кимнинг зиёни... ҳатто қиш кунлари кийиклар ҳам ўтлаб қишлоқларга келиб қоларди... инсоннинг табиати жуда қизиқ... ўз билиги билан беихтиёр гўзалликка интилади, гўзаллик деб куйиб-пишади-ю, лекин ўзи сезмаган ҳолда гўзалликка қирон келтиради... буларнинг ҳаммаси инсон тушунча ва туйғусидан гўзалликнинг чиқиб бораётганидан далолат беради...

**— Дунёда бошқа бир ҳақиқат ҳам мавжуд шекилли. Гўзалликни қадрлаш инсон тафаккури ва туйғуларининг эркинлиги масаласи ҳам бор. Ҳамма нарса эркинликда яйрайди, кўпаяди ва камолоти ҳам шунга боғлиқ...**

— Бошқача бўлиши мумкин эмас. Инсон онадан мутлақо эркин туғилади. Жамиятга тўлақонли аъзо бўлиб киргунига қадар ҳам эркин фикрлайди, ҳисларига ҳам истаганича эрк беради. Жамиятга қўшилганидан кейин эса турли жараён ва оқимларга истаса-истамаса қўшилади ва шу тариқа ўзлигидан четлаша бошлайди... баъзан чуқур ўйга толасан киши. Диний тушунчалар инсон тафаккури маҳсулими? Ёки динларнинг яралиши ҳақида илоҳдан ишоралар бўлганми? Дейлик, динлар инсон тафаккури маҳсули. Бари бир барча динлар ҳам гўзалликка хизмат қилади. Илоҳ, деган тушунчанинг ўзи ҳам чин маънодаги гўзаллик демакдир... қуёшнинг абадий сўнмаслиги, сувларнинг тугамаслиги, ернинг шу ҳолда туришини ҳам беихтиёр илоҳга боғлагинг келади... нима бўлишидан қатъий назар барча бунёдкорлар инсон тафаккури маҳсули ва шуниси билангина гўзал... тараққиётини ҳам, динни ҳам, борлиқни ҳам ҳеч ким бизга ихтиро қилиб бергани йўқ. Ўз мулкимиз, ўзимиз яратган мулк... мен одамларни борлиқ ва борлиқ ҳақидаги тушунчага мана шу нуқтаи назардан қарашлари тарафдориман...

**— Эркин ака! Ёшлар орасида кундан-кунга ишсизлар кўпайиб бораётгани, оқибат турли жиноятларнинг содир бўлиши, бу борада миршабларнинг совуққонлиги кўплар қатори мени ҳам ташвишга солади. Сиз бу масалага қандай қарайсиз? Яқин орада бу масалада ижобий ўзгаришлар қилиш мумкинми?**

— Келинг, яна гўзаллик ҳақидаги тушунчага қайтамиз. Ёшлик йилларингизни яхши эсласангиз керак. Ёшлик хотиралари менинг ҳам ёдимдан кўтарилганича йўқ. Урушдан кейинги йиллар... уруш оқибатида содир бўлган қийинчиликлар деярли тугатилмаган, хуллас нон чучук йиллар. Одамлар орасидаги меҳр-оқибат жуда яхши эди. Ота-онасига беҳурматлик қилган ё бирор ножўя ишларга қўл урган ёшларни жуда кам учратардик. Ёки келин-куёвлар орасида ҳам ажралишлар деярлик учрамасди. Ҳозир эса тўкинчилик, ҳар куни тўй-томоша... шунга қарамай турли хил жиноятлар содир бўлаётир. Бунинг оқаваси қаердан келаётир? Тарбиянинг етишмаслигиданми? Менимча ундаймас. Газета ва журналлар, телевидение, радио ва тарбия масаласига етарлича эътибор берилаётир... бунинг негизи енгил-елпи яшашга, чиройли кийинишга тақлид қилиш ва айни пайтда ёшларнинг дангасалигига бориб тақалади... юқорида мен сизга давлат хўжалигига бошлиқ бўлиб тайинлангандан кейин у ерда жорий қилган умум иш усули ҳақида гапирдим. Одамларнинг ўзларига ерлар бўлиб берилгандан кейин бола-чақалари билан уззу-кун далада ишлашди. Одамларнинг бошқа ишлар билан шуғулланишига имконлари қолмади. Демоқчиманки, ҳар бир одамда ўз мулкини ҳис қилиш ва унинг қаршисида жавобгарликни англаш — чин маънодаги ривожланишга сабаб бўлди. Имоним комилки, ҳамма мулклар хусусийлаштирилса, одамлар хусусий мулклари олдида ҳукмронлик, яъни жавобгарликни ҳис қилсалар, бола-чақаларини ҳам бу ишга жалб қилса, табиийки ҳали айтилган ножўя ишлар ўз-ўзидан барҳам топади. Ундан кейин ҳам барибир дастлабки даврларда муваффақиятга эришиш озгина қийин бўлади. Инсон доим изланишда, изланиш эса эртадир-кечдир инсонни тўғри йўлга солади...

**— Яхши эслатдингиз. Лоқайдлик чиндан ҳам шу кунларда иллатга айланди. Кимнидир моли ўғирланади ёки катта кўчада кимдир кимни калтаклаяпти, бошқалар эса жим, бир-бирларига шикоят қилишдан нарига ўтмайдилар. У ўғрини ушлаб жазоласа, ё муштлашаётганларнинг орасига тушиб масаласини ойдинлаштирсалар, жиноятларнинг олдини олиш ҳеч гап эмас.**

— Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Масалан, бир кишининг боласи ҳеч қаерда ишламайди. Лекин башанг кийинади, чўнтагида жарақ-жарақ пул... ота-она боласининг мана шу ишламай топаётган пули билан қизиқмайди, оқибат жиноят газак олиб бораверади...

**— Қилинаётган ишлар ва кейинги режалар ҳақида ҳам озгина суҳбатлашсак.**

— Халқни томорқа билан таъминлаш деярлик ниҳояланди, десам янглишмайман. Албатта, бу нисбий тушунча. Одамзот ҳаёт экан, янги авлодлар туғилаверар экан, томорқага муҳтожлик ортиб бораверади. Шароитга қараб янги муҳтожликлар ҳам қондирилиб боради. Ҳозиргача 3 мингдан ортиқ оилага томорқага ер бўлиб берилди. Кейинги йилларда бир неча мактаб бинолари, боғча бинолари қуриб битирилди. 30 дан ортиқ кичик корхоналар ишга туширилди. Фермер хўжалиги кенг йўлга қўйилаётир. Сутни қайта ишлайдиган заводлар қурилди. Бундан ташқари халқнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб давлат ва жамоа хўжаликлари етказган маҳсулотлардан арзон нархда ўзларига сотишни ҳам кенг йўлга қўйдик. Ишсизларнинг сонини камайтириш, тараққиётни яна ҳам кучайтириш, ҳоддароқ қилиб айтганда дунёвий сифатга кўтариш учун чет эллик шериклар топиб қўшма корхоналар қуриш борасида жиддий бош қотиряпмиз. Бир неча ерларда пишган ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриляпти. Худди шундай Туркия мутахассислари билан келишиб терини қайта ишлайдиган корхонанинг қурилишини бошлаб юбордик. Тери қайта ишланиши билан бирга ўзимизда тери маҳсулотларидан турли хил кийим-кечаклар ҳам шу ернинг ўзида тикилиб, халққа сотилади. Бу ишларнинг бошланиши, холос. Яқин орада Америка, Фарангистон, Олмония, Япония, Хитой, Жанубий Қурия давлатларини ҳам бу ишга жалб этиш ниятимиз бор.

**— Эркин ака! Ҳозиргина ҳар бир давлат ва жамоа хўжалиги ўз ерларида кичик мусаллас заводларини қуриб битиришди, дедингиз. Мусаллас ишлаб чиқариш меъёридан ошиб кетса, ёшлар орасида ичкиликбозликни кучайтириб юбормайдими!**

— Асло. Ота-боболаримиз миллион йиллардан бери узум ўстиришади. Истаган пайтда мусаллас солиб, мусалласга муккасидан кетиб ичишлари мумкин эди. Лекин ичишмаган. Халқимиз узумхўр, яъни меваҳўр халқ. Ишлаб чиқарилган мусалласлар бошқа ерларга юборилиб, кундалик турмушга зарур молларга алмаштириш учун режалаштирилган.

**— Иншоолло, умидларимиз тез орада амалга ошгай. Тезлик билан тўла маънодаги гўзалликка эришгаймиз.**

— Айтганингиз келсин. Сўзимнинг ниҳоясида яна гўзаллик тушунчасига қайтиб, демоқчиманки, гўзаллик бу арофимизда ҳар сония кўраётган сиртқи гўзаллик эмас, асли гўзаллик инсоннинг тўла камол топиши, ҳар қадамда яъни одамларнинг ўтириш-туришлари, муомилаларида кўринадиган маънавий гўзалликдир. Инсоф эса виждоннинг ҳаракатдаги кўриниши... биз ҳеч нарсага лоқайд қолмасак, ёмонлик учун шафқатсиз курашсак, демакки гўзалликни юзага чиқариш учун ҳаракат қилган бўламиз... Ўғирлик, зўравонлик, текинтомоқлик, одам жонига қасд қилиш камая бордими, демак инсоният ҳамжиҳатликда «гўзаллик» деб аталмиш олтин зиналарга шиддат билан кўтарилиб бораётган бўлади... Кимнидир гўзалликка чақириш учун аввало инсоннинг ўзи гўзал табиатли бўлиши шарт. Халқдан гўзаллик талаб этиш учун эса биринчи галда раҳбарнинг ўзи гўзаллик борасида халққа ибрат бўлмоғи зарур ва шартдир...

**— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур. Янги тараққиётлар борасида қилаётган улкан ишларингизга муваффақият тилайман. Ҳаммамизга ҳам инсонийлик, яъни виждон ва унинг ҳаракатдаги кўриниши — гўзаллик ёр бўлсин!**

— Мени шундай суҳбатга чорлаганингиз учун сизга ҳам раҳмат.

**Суҳбатдош: Уктам ҲАКИМАЛИ.**

**Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш комиссиясининг маслаҳатчиси Руфат Мусаев Ўзбекистон тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси йўриқчиси Л. Мостовая, Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Й. Турсуновлар жавоб берадилар.**

***Мен 1975 йилдан бери милицияда ишлар эдим. 1988 йилда иш мобайнида касалланганим учун II гуруҳ ногирони бўлиб 114 сўмлик нафақага чиқарилдим.***

***Унвоним милиция катта сержанти эди. Ҳозир қанча нафақа олишим керак?***

**Э. Холмуродов,**
**Жиззах шаҳри.**

Ўзбекистон Республикасининг нафақа таъминоти тўғрисидаги Қонуни қабул қилингунига Қадар республикамизда нафақа таъминоти масалалари Собиқ СССРнинг Қонунларига мувофиқ тартибга солиб турилади.

Шунга мувофиқ ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий ходимларига нафақа бериш ҳақидаги қоидалар СССР Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 28 апрелда қабул қилинган Қонунда белгиланган.

Ушбу қонунга кўра (23-модда) I—II гуруҳ ногиронларига иш ҳақининг 55 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 25-августдаги фармонига кўра пулнинг қадрсизланиши ҳисобга олинган ҳолда барча нафақалар миқдори қайта кўриб чиқилди ва тегишли тузатишлар киритилди. Ушбу Фармонда 1988 йилда нафақа тайинлашга асос қилиб олинган иш ҳақи 14,4 баробар кўпайтирилгани ҳолда нафақа қайта ҳисобланиши айтилган. Нафақанинг аниқ миқдори сизни ўша пайтда олган ўртача иш ҳақингиз миқдорига мувофиқ равишда нафақаларни ҳисоблаш марказлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади. 1993 йилнинг 1-январидан бошлаб барча нафақалар миқдори яна 25 фоизга оширилди ва бу ҳам сизнинг нафақангизни оширилишига сабаб бўлади.

***Мен турмушга чиқиб, 2 та фарзандли бўлганимдан кейин турмуш ўртоғим вафот этди.***

***ЗАГС қоғозим йўқлиги туфайли менга «ёлғиз она» деб нафақа тўлай бошлади. Икки болам учун 170 сўм пр олаяпман. Шу тўғрими?***

**С. Рахимова,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Нишон райони.**

Марҳум турмуш ўртоғингиз билан никоҳ муносабатларини ЗАГС органларида расмийлаштирилмаганлиги ораларингиздаги муносабатларни никоҳ ва оила қонунчилиги нормалари билан тартибга солинишига тўсқинлик қилади. Бироқ, бу ҳол фарзандларингиз мавқеига, айниқса иқтисодий аҳволига асло салбий таъсир этмаслиги лозим. Шу нуқтаи назардан сизни «ёлғиз она» деб тан олганлари ва нафақа тайинлаганлари тўғри. Болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларида уларнинг отаси деб марҳум эрингиз қайд этилган бўлса, у ҳолда эрингизнинг вафот этиш сабаби ҳамда меҳнат стажи ҳисобга олингани ҳолда болаларингизга боқувчисиз қолганлик учун нафақа тайинланмоғи керак (агар болалар вояга етмаган бўлса.)

Бундай нафақани тайинлаш асослари ва тартиби то Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганига қадар собиқ СССРнинг 1990 йил 15-майдаги «СССР гражданларининг нафақа таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солинади.

***Нарх-наво кун сайин ошиб, тирикчилик ўтказиш тобора қийинлашиб бораётган ҳозирги пайтда касаба уюшмалари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳукумат олдига қандай масалаларни қўйяпти?***

**К. Ҳакимов,**
**Андижон вилояти, Хўжаобод райони.**

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида 1992 йил учун қабул қилинган битимга асосан бюджет ташкилотлари ходимларининг маошларини, нафақа ва стипендия миқдорларини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қабул қилинди.

Бунинг натижасида меҳнаткашларнинг энг кам иш ҳақи 1993 йил 1-январидан 2500 сўмгача кўтарилди. Нафақанинг ўртача қиймати 1992 йил охирига келиб 2900 сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари ижтимоий тангликни юмшатиш мақсадида меҳнаткашлар манфаатини иқтисодий муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Республика Олий Кенгашига ва вазирлар маҳкамасига, меҳнат вазирлигига, республика молия вазирлигига аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор таклифлар тайёрланди. Шу жумладан «энг кам иш ҳаклари ва меҳнатга ҳақ тўлаш борасида давлат кафолатлари тўғрисида»ги, «Болаларга қараш учун таътилда бўлган аёлларга, талабаларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш бўйича амалдаги тартибга ўзгаришлар киритиш бўйича, солиқ солиш сиёсатини такомиллаштириш ва аҳолининг пул даромадларини тузиш сиёсати ҳақидаги таклифлар шулар жумласидандир.

Нарх-навонинг эркинлашуви муносабати билан аҳолини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёсати 1992 йил 1-октябрдан бошлаб бола туғилганда тўланадиган нафақа миқдорини икки энг кам маош миқдорида кўпайтирди.

***Мен қаҳрамон онаман, ёшим 49 да. Иш стажим йўқ. Нафақага шу ёшимда чиқсам бўладими?***

**С. Насриддинова,**
**Самарқанд вилояти, Пойариқ**
**районидаги Халқобод давлат**
**хўжалиги.**

Ҳозир амалда бўлиб турган нафақа таъминоти тўғрисидаги Қонунга биноан камида беш бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган оналар камида 20 йил меҳнат стажига эга бўлганларида қарилик нафақасига чиқишлари мумкин. Бунда улар ёш болаларни тарбиялаш билан банд бўлган йиллар ҳам (аммо 6 йилдан кўп бўлмаган ҳолда) меҳнат стажига киритилади.

Умуман меҳнат стажига эга бўлмаган қаҳрамон оналарга 60 ёшга етганларида энг кам нафақанинг 100 фоизи миқдорида нафақа тайинланади.

Демак, зарур ҳажмдаги энг кам меҳнат стажининг йўқлиги қаҳрамон оналарга қарилик нафақасига чиқишларига тўсқинлик қилади.

***Бизлар иш ҳақимизга 30 фоиз қўшимча ҳақ олардик. Ҳозир эса ҳамма ставкалар учун шу қўшимча ҳақ 300 сўм миқдорида тўланаяпти. Масалан, 2448 сўм ёки 2677 сўм бўлган ставкалар учун 300 сўмдан қўшимча ҳақ тўлашаяпти. Шу тўғрими?***

**С. Худойбердиев,**
**Жиззах вилояти.**

Меҳнатнинг алоҳида шароитда кечиши билан боғлиқ равишда тўланадиган район коэффициенти ойлик маошига нисбатан фоиз нисбатида белгиланган бўлса, у ҳолда коэффициент миқдори ҳозирги пайтдаги ойлик маошингиз миқдоридан келиб чиқилгани ҳолда тўланмоғи, яъни масалан, 2448 сўмлик ойлик иш ҳақини 30 фоизи миқдорида (734 сўм 40 тийин) тўланмоғи керак. Башарти район коэффициенти миқдори махсус қонунчилик акти билан қатъий суммада масалан 300 сўм қилиб белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда ана шу қатъий суммада тўланмоғи лозим.

***Мен 30 йилдан буён Ангор район Марказий шифохонасида шифокар акушер-гинеколог бўлиб ишлаб келмоқдаман. 1992 йили саломатлигим ёмонлашиб касалхонада даволаниб чиқдим. Бухгалтерия касаллик варақамга бир ойлик маош миқдорида иш ҳақим юзасидан ҳақ тўланади, деб айтди. Шу тўғрими?***

**А. Авазова,**
**Сурхондарё вилояти, Ангор райони.**

ВЦСПС Раёсатининг 1984 йил 12 ноябрдаги 13—5-сонли «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ёрдам пули билан таъминлаш тўғрисида»ги Низомга собиқ СССР Касаба уюшмалари Умумий Конфедерацияси Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 29 мартдаги 3—8 сонли қарорига биноан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган.

Чунончи Низомнинг 84-банди қуйидагича баён қилинган: Даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари ҳамда дорихоналардаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларига ёрдам пули барча иш жойларида амалда бажараётган ишлари учун оладиган маошларидан ҳисобланади. Бундан ташқари ўриндошлик ҳисобланмайдиган иш учун тўланган қўшимча иш ҳақи ҳам мазкур ходимларнинг ўртача иш ҳақи ҳисобига киритилади.

Меҳнат жароҳати, касбий касаллик, ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан бериладиган ёрдам пулидан бошқа ёрдам пулини ҳисоблаб чиқиш учун асос қилиб олинадиган иш ҳакининг умумий миқдори иккита маошдан ошмаслиги керак.



# Кўз корачиғимиз

ОНА юртинг — олтин бешик, дейди халқимиз. Она юртга қилган яхшилигингни эл унутмайди. Шунинг учун бобоколонларимиз Амир Темур ҳам эл ғамини еб, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Аҳмад Яссавий яшаб, ижод этган ҳозирги Туркистон юртида ажойиб маданий ёдгорликлар яратиб қолдириб кетган. У ўз набираларига ҳам фақат ҳалол ва садоқат билан халққа хизмат қилиш, эл-юрт осойишталигини кўз қорачиғидай асрашни уқтирган эди. «Темур тузуклари» асарини ёзиб, ҳарбий юришлар, қайси мамлакатни қандай қамал қилиш ва ўша мамлакат турмушини фаровон, шаҳар ва элатини обод қилиш билан халқнинг кўнглини тоғдай кўтариш йўлларини таъкидлаган эди. Бироқ, ўлим ҳақ. Бу жиҳатдан намаконда макон йўқ, бандасида имкон. Дунёга ҳеч ким абадулабад устун бўлиб қололмаганидай соҳибқирон ҳам бутун салтанатини ворисларига топшириб, оламданкўз юмади. Унинг набиралари Улуғбек, Мирза Бобур, Ҳусайн Бойқаролар ҳам боболарининг васиятларига амал қилиб, ободончилик, маданий-маърифатни ривожлантириш, давлат ишларини яхши йўлга қўйиш борасида жон куйдиришади. Буюк Алишер Навоийдек мутафаккир шоирнинг худди шу салтанатда таваллуд кўриб, камол топиши ҳам Амир Темур орзу қилган мўътабар ва турфа маданият натижасидир. Мирза Бобур ҳам етук тарихчи ва шоир бўлиши билан бирга Афғонистонга бориб, саноқсиз аскар тўплаб, Ҳиндистонга бориб, буюк империя тузар экан даставвал маданий ишларни астойдил йўлга қўйишга аҳамият беради. Энг муҳими, ўз авлодларига ҳиндларга садоқатли бўлишни ва ҳинд элида маданий ёдгорликлар қуришни буюради. Шунга амал қилган унинг авлодлари ҳам Ҳиндистонда шундай ёдгорликлар, шундай муҳташам бинолар барпо қиладиларким, у билан жаҳон фахрланади. Биргина Агра шаҳридаги оқ мармардан тикланган мақбара дунёдаги етти мўъжизанинг биридир.

Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлал Неру Ўзбекистонимизга ташриф буюрган чоғда Бобурдек ажойиб зот номини нақадар ҳурмат билан тилга олгани ҳамон қулоғимизда.

Америкадек катта давлатнинг собиқ раҳбари Рейган жаноблари Москвадек катта бир шаҳарга келганида Алишер Навоийнинг буюклигини эътироф этганлиги-чи? Ахир бундай инсоннинг Амир Темур барпо этган ва Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида етилиб, ғазал мулкининг султони бўлиб танилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бизнинг халқларимиз энг қадимий халқ, узоқ тарихи неча асрлар олисга кетган халқ. Биз Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов билан Туркияда бўлганимизда, турклар асли ўрта Осиёлик эканликларини кўп марта такрорладилар. Бош вазир Сулаймон Демерал бизнинг Президентимиз билан суҳбатда «Бизларнинг ота-боболаримиз авлод томири сизлардан бошланган» дея таъкидлагани фикримиз далилидир. Шунисиям борки, бизнинг халқимиз бировларнинг юртини босиб олишга ҳеч қачон уринган эмас ва ўз халкини ҳимоя қилишга доим шай бўлиб турган. Агар эрамиздан олдин ўтган массагетлардан гап бошлайдиган бўлсак, улар ҳам ана шу қоидаларга астойдил риоя қилишганини кўрамиз. Массагетларнинг маликаси Тўмарис ўз сиёсатида бировларнинг юртига босиб кирмаслик ва ўз юртини ташқи душманлардан сақлашга бел боғлаганлардан бири эканлиги маълум. Массагетлар ниҳоятда мағрур бўлишган. Уларнинг маликаси Тўмарис эса ўзи отга миниб, қилич ялангочлаб, юртини душманлардан ҳимоя қилиш мақсадида лашкарларини жангга бошлаб кирган. Юртимизни босиб олиб уни вайронага айлантирмоқчи бўлган Чингизхондан ватанни жондан севган, она юртни муқаддас деб билган халқ уни астойдил ҳимоя қилишган ва бу курашда ғолиб чиққанлар. Хоразм шоҳининг ўғли Жалолиддин Мангуберди ниҳоятда забардаст, ҳарбий машқнинг устаси, чавандозликда якка-ю ягона, ҳеч қачон ёв қўлига тириклайин тушмайдиган бетакрор шахс бўлган. Уни тириклайин қўлга туширолмаган Чингизхон «Менинг фарзандларим ҳам кошки ана шундай бўлса», деб орзу қилган.

Юқоридаги фикрларни баён қилишимдан мақсад, бизнинг халқимиз ҳарбий машқларни пухта эгаллаган ва ўз юртини ҳимоя қилишни доим муқаддас деб билган халқлигини таъкидлашдир. Ҳатто Бухоро амири Олимхонни мисолга олсак, у ҳам ўз навкарларини ниҳоятда жанговор туришга, доим ҳар қандай тасодифларга тайёр, ўз юртига садоқатли бўлишга ундаган.

Мен кўп йиллик актёрлик ижодимда аскар, ҳарбий қаҳрамонлар, буюк саркардалар қиёфасини яратишга тўғри келганидан тарихга бир оз берилиб кетган бўлсам, узр. Чунки биргина генералимиз Собир Раҳимов образини экранда яратар эканман, авлодларимизнинг ҳарбий юришларига кўпроқ мурожаат қилишга тўғри келган. Она юртни севишни ўшалардан ўргандим.

ТАРИХДАН маълумки, энг биринчи ташкил этилган ўзбек дивизиясига машҳур Миркомил Миршаропов раҳбарлик қилган эди. Собиқ Совет империяси миллий халқлардан буюклар чиқишини истамас эди. Шу боисдан бўлса керак, қатағон йиллари Миркомил Миршаровнинг буюклашиб кетаётганидан чўчишган. Москвадан буйруқ берадиган юқори лавозимли саркардалар эса уни хоинликда айблаб, ўлим жазосига маҳкум этганлар. Собир Раҳимов 41-йил уруш бошланиши биланоқ қўлига курол олиб, жангга киради, марду майдонлик кўрсатади. Унинг ҳақиқий саркардаларга хос донолиги, жанговорлиги шу юксак даражага олиб келган. Шу ерга келганда, марҳум шоир Мақсуд Шайхзоданинг мисралари ёдимга тушади: «Киши туғилмайди бошда тож билан, туғилар эркликка эҳтиёж билан». Оддий солдатликдан генералликкача кўтарилиш худди ана шу эҳтиёжнинг маҳсулидир. Барча қардош халқлар қатори ўзбек халқи вакиллари ҳам жангда ўз жанговорлик қудратларини намойиш этдилар. Собиқ ҳукуматнинг орден, медалларини кўксига тақмаган бирон жангчи қолмади. Афсус, халоқ бўлганлар ҳам ниҳоятда кўп эди. Юзлаб ажойиб ёшларимиз, жанговор дўстларимиз она юртларига қайтмадилар. Улар халқимиз қалбида, авлодлар хотирасида абадий яшайди. Ўша жангларда жонга-жон бериб, қаҳрамонлик кўрсатиш эвазига қатор орден, медал олганлар мангу иззату ҳурматда бўлмоғи фарз. Биз буни муқаддас бурчимиз деб биламиз.

Республикамиз мустақилликка эришганига ҳам бир йилдан ошди. Бу байрамни хурсандчилик ва катта тантаналар билан нишонладик. Мустақиллик осонликча қўлга киргани йўқ. Бунда авлодлар кураши мавжуд. Октябрь инқилоби деб дунёга жар солинган, янги тузумдан улкан умидлар кутиб, алданган халқимиз ниҳоят истиклолдан баҳра топаётирлар. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби улкан ёзувчи, шоирларимиз, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов сингари раҳбарларимиз бу кунларни кўролмай кетишди. Собиқ Совет империяси кўп халқларни ана шу йўллар билан қақшатиб келди. Айниқса, ҳарбий мутахассислар етишиб чиқишини улар ёқтирмадилар. Ватан ҳимояси, ватан хизматини муқаддас деб асосий қонун сифатида ёзиб қўяр эдилару аслида миллатимиздан олинган ёшларни камситишга уринардилар. Мен жуда кўп ҳарбий қисмларда бўлганман, ўзбек ёшларининг ҳарбий хизматдаги аҳволини кўриб ачинганман. Уларнинг кўплари меҳнат батальонларига қабул қилинардилар ва улар фақат ҳарбий қурилишлардагина фойдаланиб келинарди. Шунинг учун кучли армиямизнинг асосий мутахассислари, ҳарбий техникамизнинг эгалари асосан бошқа миллат вакиллари бўлардилару улар ичида Ўрта Осиё вакиллари кам эди. Бир вақтлар Тошкентнинг энг кўркам ерида «Губернатор боғи» бўлар эди. Шунга кираверишда тошга ўйилган: «Сартам, солдатам вход запрещен» деган сўзларга кўзингиз тушарди. Аслида юртимизни, халқимизни истаганча ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан талашардию, чурқ этишга йўл беришмасди. Совет империяси даврида ҳам шундай ҳолни бошдан кечирдик. Доим оркамизда «одам» бордек ҳис этардик. Ниҳоят бағримизга тоза ҳаво тегди. Энди бу эркинликни мустаҳкамлашимиз, мустақил республикамизни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан тобора ривожлантиришга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз фарз ҳам қарз. Лекин жуда кўп соҳаларда мутахассислар етишмаётганлиги ҳам сезилиб қолди. Ёшларимиз ҳамма жабҳада уддабурро, ҳар соҳанинг мутахассиси бўлишларини замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Айниқса, савдо-сотиқ, иқтисод, ҳуқуқшунослик бўйича етук ихтисосли ходимлар, ҳунар эгалари бизга жуда-жуда керак. Бу жиҳатдан чет элларга бориб, кўп нарсаларни ўрганишга ва мустақил республикамиз учун яхши маҳорат эгалари, зеҳнли ташаббускорлар бўлиб етишишга астойдил киришмоқ зарур.

ЯҚИНДАГИНА республикаларга бўлиниб кетган собиқ иттифоқдаги ҳарбий кучлар аксарияти Россия, Украина, Белоруссия ва Қозоғистон ерларида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Тўғри, ҳозир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги умуммудофаамизни сақлашга қодир, мустақил бўла туриб ҳарбий жиҳатдан бировларга муте бўлмаслигимиз керак. Яқинда Россиядек кўплаб ҳарбий мутахассисларга эга бўлган вакиллардан бири, Россия парламенти депутати Владиславов телевидение орқали ҳеч тортинмасдан «биз мудофаа қудратимизни янада ривожлантирмоғимиз зарур» деб таъкидлаб қўйди. Шундай ҳам маълумки, ҳали дунёда уруш хавфи бутунлай йўқолмаган. Ҳеч ким бунга тўла кафолат беролмайди ҳам. Республикалар мустақилликка эришгани билан баъзи жойларда ўзаро низолар чиқиб, қон тўкилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Хайрият, бизнинг республикада бундай фалокатлар йўқ. Ўйлаймизки, бўлмайди ҳам. Чунки бизнинг халқимиз беҳуда қон тўкилишини истамайди. Кечагина, Президентимиз Ислом Абдуғаниевичга Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан келган мактубда республикамизда тинч яшаётганимиздан ва атроф қардошларга ёрдам беришга тайёрлигимиздан мамнун эканликларини билдириб, ташаккур изҳор қилганларини эшитдик. Қўлга киритилган мустақилликни тоабад ушлаб турмоқ учун ҳарбий соҳанинг ҳамма жабҳаларини эгаллашимиз зарурати кўндаланг турганга ўхшайди. Бунга имкониятларимиз етарли. Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган кунлариёқ миллий мудофаа вазирлиги ташкил этилди. Миллий мудофаа армиямиз ҳам мавжуд. Туркистон ҳарбий округи жойлашган муҳташам бино шу вазирликка берилди. Ленин номли Тошкент умумқўшинлари, Чирчиқ танк мутахассислари тайёрлаш ва Самарқанд автомобиль олий билимгоҳлари ишлаб турибди. Лекин бу олийгоҳларнинг деярли ҳаммасида ерлик халқлардан жуда кам талабалар билим олмоқда. Ўрта мактаблардаги ҳарбий таълимотлар эса қониқарли эмас. Айниқса, қишлоқ мактабларида таълим рус тилида олиб борилиши яхши самара бермаётир. Ҳатто олийгоҳлардаги ҳарбий дарсликлар ҳам ўз она тилимизда олиб борилиши амри маҳол бўлаётганлигидан ачинасан киши. Тўғрисини айтганда, мудофаа вазирлигимизнинг ўзида ҳам ўзбек мутахассислари ҳозирча кам. Туркистон ҳарбий округидан колган, ҳарбий соҳадаги биргина газетамиз ҳозирда «Ватанпарвар» деб аталишига қарамай кунлик саҳифаларида бир оғиз ўзбек сўзи ишлатилмаслиги нимани кўрсатади? Ўтган йили Урал бўйи ҳарбий округида бўлганимизда у ерларда мингга яқин ўзбек йигитларининг ракета бўлинмаларда хизмат қилаётганликларини кўрдим. Лекин минг афсуски, рус тилини яхши билмаганликларидан ниҳоятда қийналишмоқда. Эндиликда, мудофаа вазирлигимиз ёшларимизни ҳарбий хизматга жалб этмоқ учун жуда кўп нарсаларни қайтадан ишлаб чиқмоғи зарур бўлиб қолди. Ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини уйғотмоқ учун ана шундай муаммоларни ҳал этиш вакти етиб келди, чамамда. Бунинг учун ўрта мактабларда дарсликларни ўзбек тилига кўчириш чора-тадбирларини кўриш, биргина мудофаа вазирлигига қарайдиган газетамизни ўзбек ва рус тилларида чиқаришга эришиш, миллий руҳимизни кўтармак ниятида ҳозир мавжуд учта билимгоҳга ўзбек ҳарбий қаҳрамонлари номини бериш, жумладан Тошкентдаги ҳарбий олий билимгоҳни генерал Собир Раҳимов номи билан аташ маъқул. Хуллас, қайси йўл билан бўлмасин, ёшларимиздаги сўна бошлаган ватанпарварлик туйғусини қайта тиклаш даркор. Ватан — кўз корачиғимиз. Ҳа, шоир Миртемир ёшларга қарата «Сизлар менинг киприкларимсиз» деган бўлса, Ватанни мен ана шу киприклар ҳимоясидаги корачиғларга ўхшатгим келади.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти.**

**Саволларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий нозирлиги мутахассислари Г. С. Ғоипов, Ф. А. Юнусова, Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Й. Турсуновлар жавоб берадилар.**

***Ишга кираётганда қандай ҳужжатлар тақдим қилиш керак?***

**Қ. Ёқубов,**
**Қарши шаҳри.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлари мажмуасининг (ҚЗоТ) 24-моддасига биноан ишга қабул қилиш пайтида қуйидаги ҳужжатлар албатта талаб қилинади:

1. Паспорт ёки паспорт ҳақидаги қонунларга мувофиқ унинг ўрнини босувчи ҳужжат, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар туғилганлик тўғрисида гувоҳнома кўрсатадилар.

2. Меҳнат дафтарчаси, биринчи дафъа ишга кираётганлардан эса унинг охирги пайтда нима билан машғул бўлгани ҳақида маҳалла қўмитасидан, уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотидан ёки халқ депутатлари шаҳарча ва қишлоқ овул кенгашининг ижроия қўмитасидан маълумотнома, қуролли кучлар сафидан бўшаганлар ҳарбий билет тақдим қиладилар.

Қонунларга биноан махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахсларнигина қабул қилиш мумкин бўлган ишга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлагани ҳақида диплом ёки шу ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома ёки бошқа тегишли ҳужжат тақдим этиш керак бўлади.

***Хизматга кираётганда ишлаб чиқариш тавсифномасини тақдим этиш шартми, агар зарур бўлса уни ким имзолайди?***

**С. Аҳмедова,**
**Самарқанд шаҳри.**

Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари таркибида бўшаб қолган ўринларни эгаллаш учун танлов бўйича ишга қабул қилиш пайтида, шунингдек, давлат савдоси ва умумий овқатланиш тизимидаги муайян лавозимларга қабул қилиш пайтида ёзма тавсифнома талаб қилинади.

Тавсифномани янги ишга кирмоқчи бўлган кишининг охирги иш жойидаги раҳбар ва касаба уюшма қўмитасининг раиси имзолайди.

Бошқа ҳолларда ишга қабул қилиш пайтида ёзма тавсифнома талаб қилинмайди.

***Ишга кираётганда соғлиқ ҳақида маълумотнома тақдим этиш шартми?***

**Н. Қорабоева,**
**Жиззах шаҳри.**

Амалдаги қонунларга биноан озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва савдо ходимлари, сув қувурлари иншоотлари, даволаш-профилактика ва болалар муассасалари, чорвачилик фермалари, меҳнат шароити зарарли муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари ишга кираётганда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан албатта ўтиб турадилар. Бундан мақсад аҳоли соғлигини сақлашдир.

***1. 1992 йил июль ойида меҳнат таътилида бўлган кишиларга иш ҳақи оширилиши муносабати билан таътил пули қайта ҳисоблаб чиқиладими?***

***2. Ўтган йили 12-мартда ходимларга I ва II малака тоифаси берилган эди. Ана шу тоифалар ҳисобга олинган иш ҳақи эса 1992 йил апрель ойидан тўлана бошлади. Шу тўғрими?***

***3. Шифохонада ишловчиларнинг ҳаммасига йўл ҳақи бериш керак эмасми? Бизда фақат участка шифокорлари ва ҳамшираларга йўл ҳақи берилмоқда.***

***4. Бўлим бошлиғининг рухсатисиз даволовчи шифокор касаллик варақаси бериши мумкинми?***

**Ҳ. Тошбобоев,**
**Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳар касалхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

1. 1992 йил 1 июлдан иш ҳақи оширилган пайтда меҳнат таътилида бўлган ходимларнинг таътил пули лавозим маошининг янги ҳажми асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши керак. (Асос: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 1992 йил 30 июлдаги 8—4—10-сонли «Меҳнат ва ўқувчилар таътили учун тўланадиган пулни қайта ҳисоблаб чиқиш тўғрисида»ги қарори).

2. Лавозим маошларининг ҳажми малака тоифаси берилган пайтдан тўлана бошлайди. (Асос: Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги қоидаларини қўллаш тартиби ҳақидаги 1991 йил 15 августдаги йўриқномасининг 8-банди).

3. Барча ишловчиларга йўл ҳақи учун пул бериш мажбуриятини юкловчи расмий ҳужжат йўқ. Айни вақтда бюджетдан ташқари тушумлар (пуллик хизмат учун, шартнома асосидаги ишлар учун ва ҳоказо) бўлса, маъмурият касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб ҳаммага йўл ҳақи бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва буни жамоа шартномасида акс эттирилиши мумкин.

4. Даволовчи шифокор беморга 6 кунгача касаллик варақаси бериши мумкин. Уни узайтириш бўлим бошлиғининг рухсати билан бўлади.

***Мен 1990 йилда Қашқадарё вилояти Қарши райони халқ депутатлари кенгашига ишга кирдим, 1991 йил 1 январдан штатлар қисқариб мени кооперативчилар иттифоқига ишга ўтказдилар. Котиблик вазифасида ишлай бошладим. Февраль ойида соғлиғим ёмонлашганлиги учун Бешкент шаҳридаги касалхонада даволаниб чиқдим. 29 апрелдан 6 майгача Бешкент шаҳридаги хотин-қизлар поликлиникасида даволаниб Тошкентдаги Республика онкология институтида касаллигимни аниқлаттириб, май ойининг охирларида вилоят онкология касалхонасининг хотин-қизлар бўлимида даволаниш учун ётиб чиқдим.***

***1991 йил июнь ойида кооперативчилар иттифоқи раиси В. Суфьяновга бориб, касалхонадан даволаниб келганлигимни ҳамда ишга чиқишимни билдирдим. У киши менга сени штатинг қисқарган деб оғзаки айтди, мен ўз ишлаб юрган давримда иккі ой олдин огоҳлантириш буйруғи чиқазиб кўрсатган бўлмасалар ҳамда ишга жойлаштириш меҳнат биржасига маълум қилган бўлмасалар мен қандай қилиб ишдан бўшашим мумкин? Мен бу ҳақда бир неча маротаба районимиз ҳокимига, кейин вилоят ҳокимлиги мурожаат қилдим, натижа чиқмади.***

***Бир неча марта район халқ судига ариза ёзиб бордим, лекин ишдан бўшатилганлигим ҳақидаги буйруқни олиб келгин деб, аризамни қабул қилмадилар. Буйруқни сўраб В. Суфьяновга борсам, у киши ташкилот тугатилган, ҳужжатлар ҳам йўқ, дейди. Ҳокимликка мурожаат қилиб, буйруқни беришларини сўрадим. В. Суфьяновни чақириб сўрашса, мен буйруқни берганман, деб айтармиш. Шундай қилиб отангга бор, онангга бор, қилиб юришибди. Бир ярим йилдан ошди, боламга бериладиган нафақа пулини ололмайман. Шу кеча-кундузда декретга чиқишим керак, декрет пулларимни ким тўлайди?***

**Р. Жабборова,**
**Қашқадарё вилояти, Бешкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 11-уй.**

Амалдаги меҳнат қонунларига кўра штатлар қисқараётганида маъмурият ходимларни камида 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантиришлари, бу ҳакда улардан тилхат олишлари керак. Бундан ташқари, ушбу асосда ишдан бўшатилиши кутилаётган ходимга имкон бўлса, бошқа бўш иш жойига ўтиб ишлаш таклиф этилиши лозим. Агар сизни болангиз бир ярим ёшга тўлмаган бўлса, у ҳолда маъмурият штат қисқариши туфайли ишдан бўшатишга асло ҳақли бўлмайди. (Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 196-моддаси).

Ўзбекистон гражданлик процессуал кодексининг 71-моддасида ёзма далиллар (шу жумладан ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма ҳам) даъвогар илтимосига кўра суднинг бевосита ўзи томонидан сизни ишдан бўшатган корхонадан талаб қилиб олиниши мумкин.

Сиз районингиз халқ судига даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз ва буйруқдан кўчирмани бевосита суд томонидан талаб қилиб олинишини илтимос қилишингиз лозим. Сизни ғайри-қонуний ишдан бўшатганлари аниқланса, ишга қайта тиклашади ва мажбуран прогул қилган вақтлари учун сиз ишлаган корхонадан сизга иш ҳаки ундириб беришади.

Вояга етмаган болаларингиз учун нафақани эса болаларнинг отаси ишлаётган корхонадан, агар ишламаса, район социал таъминот бўлимидан олишингиз мумкин, фақат бу нарса тегишли тарзда расмийлаштирилмоғи лозим.

● **Саҳифаларни мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.**

# ОИЛА: ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР



***СУЛТОН дафндан сўнг бир ҳафта ўтгач ўғиллари Баҳодир ва Ботирни қабристонга олиб борди. Виждон азоби қийнаётган ўғил волидаси Карима аянинг олдидаги фарзандлик бурчини тўлиқ адо этмаганлигидан афсусланиб, ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади. Яна розилик сўради. Аммо қабрдан садо чиқмади...***

...ТАБИАТНИНГ буюк инъоми — ҳаётни одам боласига буюк зотлар — она-ота бахшида этади. Бу икки зотга ҳар бир инсон боласининг қалбида мангуча мужассамлашган меҳр-муҳаббат, иззат-ҳурмат, вафо-садоқат, юксак эҳтиром сақланади. Ота-онага бўлган мана шу иззат-эҳтиром қанча юксак, самимий бўлса, фарзанд ота-онасига ҳар ишда мададкор, ҳамкор, ҳамфикрлик қилса, уларнинг чинакам ишонган боғи, суянган тоғи бўлса, ҳалоллиги, меҳнаткашлиги, касби-кори билан элга хизмат қилиб, ота-онага кўпчиликнинг раҳматини келтирса бундан ортиқ бахт бўлмайди. Яхши фарзанддан ота-онанинг кўнгли тоғдай ўсиб, дили боғдай яшнаб кетади.

Донолар фарзанд — ота-она олдидаги қарзини етмиш хазина бойлигини олиб берганда ҳам узолмайди, дейдилар. Бу ҳикматда чуқур маъно, катта ҳаёт ҳақиқати бор. Ота-онанинг фарзанд учун чексиз меҳнат-машаққатларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бир парча этдан — мурғак чақалоқдан забардаст бир инсонни вояга етказгунча онадек меҳрибон-ғамгузар, отадек парвона-ю заҳматкаш зотлар қанчалар азият чекиб, қанчалар қалб кўрларини фарзандга бахшида этадилар! Бу машаққатларни санаб саноғига, айтиб адоғига етиб бўлмайди. Хайриятки, ота-она шунчалар куч-қувват бағишлаб, шунчалар муҳаббат билан фарзандни камолотга етказадилару, аммо унга миннат қилмайдилар, озор чектирмайдилар, куну тунига халал бермайдилар. Ҳаёт деган буюк инъомни берган, инсонни яратган ва камолотга етказган ота-онани шунинг учун ҳам ҳамма вақт, ҳамма ерда улуғлаган ва эъзозлаган. Бобомиз Алишер Навоий ҳам ота-онани улуғлаб, «бирисин ойайла, бирисин қуёш» деб хитоб қилганлар.

Афсуски, орамизда баъзан ота-онасига эътиборсиз кишиларни ҳам учратиб қоламизки, уларнинг лоқайдлиги ва беларволигини кўрганингизда бирдан юрагингизда исён қўзғалади. Куни кеча Карима холани дафн этиш маросимида бўлдим. Ёлғиз уйда ўғлини кута-кута, рози-ризолик айтишга ҳам улгурмаган, онаизор қисматини билганлигим сабаб дилим хуфтон бўлди. Чунки бу оиланинг кўп сир-асроридан хабардор эдим...

Чилонзордаги Муқимий кўчасидан ўтиб борардим. Кўк эшик ёнида икки туп олча тагидаги тахта ўриндиқда Карима холанинг эгилиб, йўлга термулиб ўтирганини кўриб яқинлашдим, салом бердим:

— Вой қоқиндиқ, сенмисан?... — жилмайиб елкамга қўл ташлади. хола.— Бўйи-бастинг Султонга ўхшайди-я... Султоним келяпти деб ўйлабман.

Сездим. Кампир ўғлини интизор кутаётган экан.

— Ҳа, хола, Султон акам келмоқчимидилар?

— Билмадим, икки ярим ойдан бери келмайди, — ўкинч оҳангда гапирди Карима хола, — иши кўпайиб кетдими, соғлиғи яхшимикин?.. Келинимдан ҳам, набираларимдан ҳам дарак йўқ...

Бешқайрағоч кочиб кетмаган жой, бориб хабар олай десам, тиззамга туз йиғилган, ўн қадамдан ортиқ юролмайман... Қўни-қўшниларга ўғлимникига олиб бор дейишга ор қиламан, фарзандимга қаттиқ тегмасин дейман. Бугун шанба, зора келиб қолса деб ўтирибман, болам,— Хола томирлари ўйнаб кетган қўллари билан тиззасини эзғилаб эзғилаб силарди.

Бу нуроний онахонга маъюс тикилиб қолдим-да, ҳаяжон билан ичимда унинг гапларини такрорладим:

«Тиззамга туз йиғилган, ўн қадамдан ортиқ юролмайман, фарзандимга қаттиқ тегмасин дейман».

Ҳа, у ўн қадамдан ортиқ юролмайди! Қирқ ёшдан ошган Султон акани биламан, бақувват, забардаст (баъзи мулоҳазаларга бориб иш жойини аниқ айтмадим), илмий-тадқиқот институтларидан бирида ишлайди. Икки қизи, икки ўғли бор. Катта қизи университетда ўқийди, қолганлари ўрта мактабда, хотини Озодахон касалхонада медицина ҳамшираси, бир кун ишлаб, бир кун уйда дам олади. Султон ака бундан икки-уч йил илгари кичкинагина ҳовлида онасини ёлғиз қолдириб, ишхонасидан олган беш хонали «дом»га кўчиб кетган. Ахир Султон аканинг ўзими, хотиними, ўғли ё қизими ҳафтада, ўн беш кунда бир келиб бувисидан хабар олиб кетишса бўлади-ку! Бечора она ўғлини икки ярим ойдан бери келмаганига кўчадаги харракда кўзи тўрт бўлиб кутади. Она бунда зор-зору, ўғли, келини, набиралари қанақасига кўнгиллари тўқ юришганикин?

Бундан уч ҳафта илгари Султон акани эски шаҳарда, бозорда кўрганимда бир ой меҳнат таътилини хотину болалари билан Чимёнда дам олиб ўтказиб келганини айтганди. Ўшанда хохолаб гапиришлари кўзимга хунук кўриниб кетганди. Карима холага ўғлини кўрганимни, унинг дам олиб келганини айтмоқчи бўлдиму, онанинг шикаста дилига яна шикаст етмасин, деб, индамай қўя қолдим.

— Ҳозир ҳамма иш билан овора-да, холажон, — дедим тасалли берган бўлиб,— Уларнинг ҳам юмушлари кўпайиб кетгандир, келиб қоларлар...

— Иши ҳам бор бўлсин, — куйиниб гапирди хола, — Жа бўлмаса келиними, набираларимдан биронтаси келиб тинч-омон юришганини билдириб кетишса, анча таскин топардим... Иссиқ-совуғимдан қўни-қўшниларим, уларнинг ўқувчи болалари хабар олиб туришади-ю, минг қилса ҳам ўзингникини ширин бўлади-да, болам...

— Албатта! — деб юбордим беихтиёр, — ахир бошқа шаҳарда эмас, Бешқайрағочдан Чилонзорга келиб-кетиш оғирмас-ку... Султон акам хўп ғалати одамлар-да...

— Нима ҳам дейман, болам, — кўзига ёш олди Карима хола, — ёлғиз фарзанд ёмон бўлар экан... Суянганим, ишонганим битта ўша... Майли, ўзидан кўпайсин, омон бўлсин...

Ҳа, шу она бахтига Султон ака омон бўлсин! Бироқ шу якка ўғил худбин бўлиб ўсмаганида онажониси шу кўйга тушмасди. Мен бу оила ҳақида, Карима хола ҳақида ўз онамдан эзгу бир тақдирни эшитганман. Карима йигирма ёшида турмушга чиққан. Бир қиз туққан. Шу йили уруш бошланиб, эри жангга кетганди. Карима заводга ишга кириб, оилани (ўз онаси вафот этгач қайнонаси билан қизини) ўзи боқади. Уруш тугайдиган йили қизи Ҳалима терламадан ўлгану бунинг устига қайнонаси ҳам қазо қилиб қолади. Каримахон самолётсозлар заводида эркаклардек мардона ишлаб, эрининг келишини кутади. Уруш тугаб, орадан ярим йил ўтгач эри Ғолибжон ногирон бўлиб келади, хонадонда қувонч. Онлади Султон туғилади. Тақдир яна аччиқ ўйинини кўрсатади. Ғолибжон урушнинг оғир жароҳатларидан вафот этади. Каримахон ирода билан тақдир учун курашиб турмушга чиқмай 28 ёшида бева қолганча ўғлини катта қилади, вояга етказади, институтда ўқитади, уйлантиради.

Оилада якка-ёлғиз ўсган Султон институтни битириб ишга жойлашгач уйланади-ю, онасига қандайдир, бемеҳр бўлиб қолди. Она эса бари бир она! «Ўғлим омон бўлсин, ўзидан кўпайсин», деб орзу қилаверади.

Орамизда гоҳо учраб турадиган бемеҳр ўғил ва нуроний онахон ҳақида дилим ўртаниб ёздим. Афсуски, бунақанги яна бир воқеанинг гувоҳиман. Ўтган йили Бухорога бориб, бир дўстимнинг уйида бўлдим. Қишлоқ уйларининг олдидан ўтиб бораётганимизда қадди букук бир момо бизни имлаб чақирди:

— Тошкентдан келганмисиз, болам? — сўрадилар ўсмоқчилаб.

— Ҳа, Тошкентдан...

— Ўғлим Шойимни кўрасизми?... У катта институтда ўқийди... Бир йилдан бери келмайди, хат ҳам ёзмайди... Кўрсангиз айтинг, келолмаса ҳам хат ёзиб турсин, омон-эсонлигини билай...

Она! Меҳригиё онажон! Тошкентга не-не умидлар билан ўқишга юборган ўғлини соғиниб, интиқиб, тошкентлик нотаниш одамдан хабар билгиси келади. Ўғил эса беғаму, бепарво! Ишқилиб, азим шаҳарда ўқиб-яйраб юрса, ҳамма нарса муҳайё бўлса бас! Йўғ-е, бунчалик эмасдир! Юраги тош эмасдир! Ахир у ҳам инсон-ку! Бухорода энам бор, отам бор, ака-укаларим бор, деб ўйласа керак. Ҳа, ўйлайди ҳам, эслайди ҳам, бироқ: «Ҳай, ҳаммаси омон юргандир», деб қўл силтайди-да, беларволик қилиб кетаверади. Эҳтимол, бирон қизга дил розини бир дафтар қилиб кечаси билан севги мактубини ёзар, аммо онажонисига икки бетлик хатни ёзишга вақти етишмас...

Тошкентдек шаҳри азимда ўқиб юрган минг-минглаб ёшлар орасида узоқ қишлоқ ва шаҳарлардан ота-оналарига ойлаб, ҳатто йиллаб хат ёзмайдиган, таътилларида бориб, улар билан дийдор кўришмайдиган ёш-яланглар ҳам учраб туради. Очиқ гап, умр йўлдошимиз, ўғил ёки қизимиз бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолса бўзчининг мокисидек кунига қатнаймизу, ота-онамиз хаста бўлиб ётса ҳафта ўн беш кунда бир амаллаб, аранг вақт топиб бир-икки мартагина кўргани борамиз, холос. Бу ҳам адолатдан, инсофдан эмас! Бирини тишласанг ҳамма бармоқ оғрийди, деганларидек, ўзингникига қараб, ота-онага эътиборсиз бўлиш дил оғритади. Кейинги пушаймондан фойда йўқ. Халқимизда ажойиб нақл бор:

**Тирикликда қилмадинг шод,**
**Ўлганида хоҳ қил, хоҳ қилма ёд.**

ҲА, оқил фарзандлар ота-онанинг қўш қаноти, ҳаётнинг қувонч-севинчи, қариганда қаерларда бўлишмасин, эрта-кеч фарзандларини, уларнинг тинч-омонлигини, сиҳат-саломатлигини, яхши юрган-турганини ўйлашади. БИЗ ФАРЗАНДЛАР-ЧИ?..

Акмал АКРОМОВ.

# ОТА—ОНА ДУОСИ

ҚЎШИҚ авжида. Ҳофиз нидоси... Қанча дилларнинг рози, ғурури ва илтижоси бўлиб янграмоқда:

**Ўғил бунёд бўлар, ота жонидан,**
**Қиз дунёга келар, кўнгул қонидан!..**

Ҳа, бу қўшиқни тинглаб, ақл-идрок билан фикр юритсак, улуғ зотлар — ота-она олдида биз фарзандлар нечоғли бурчли эканлигимиз аён бўлади. Фарзанд бўлиб, ота-она қадрига етдикми? Уларнинг мушкулини енгил қилдикми?.. Байрам кунлари сўроқлаб бордикми? Балки, тирикчилик ташвишлари имкон бермагандир, — деб ўзнингизни оқлашга уриниб кўрманг. Истасак, вақт топилади. Керак бўлса, енгил-елпи кўнгилочар роҳатлар учун олтиндан қиммат вақтимизни совуриб яшаяпмиз.

Фарзанд тирноғига зор ота-она, яратганга илтижо айлаб, азиз авлиё, муқаддас жойларга сиғинадилар. Хайр-садақа бериб, зуриёд учун қайғурадилар.

Ҳар ким бу ёруғ дунёда, чироғим ўчмасин деб, умр чироғининг, умрим боғи хазон бўлмасин деб, зуриёд ниҳолининг камолига умрини бағишлаб ўтади. Аммо ёруғ дунёга келиб, ақлини таниган ҳамма фарзандлар ҳам ота-она қадрига етиб, ҳурматини ўрнига қўя билмас экан. Тингланг, шундай бир йигит ҳақида ҳикоя айтаман:

Айни балоғат ёшида, куч-ғайратга тўлган ўғил ичиб келди. Отаси ҳали оғиз очмасидан «қоч..., кўзимга кўринма, менга ақл ўргатма!» — деб ўшқириб, отасини бир мушт уриб қулатди. Шу пайт онаси етиб келиб, эрига илтижоли оҳанг билан «Жон отаси, шайтонга ҳай берингу ўғлингизни қарғаманг, деб ёлворди.

Ота! Минг бўлса ҳам ота! Ўз фарзандига ёмонлик тилармиди? Ёшлик қилгандир, ақли кириб қолар, деб эр-хотин таскин топдилар.

Йўқ, бўладиган бола бошидан, деганларидек, бу йигит ноқобил фарзанд чиқди. У ишламас, ота-онасининг пулига ичиб келиб, уйда жанжал қилишни давом эттирарди. Укалари ҳам ундан безиб қолишган.

Ҳар қандай зулм-хўрликнинг чеки-чегараси бор. Бир тун ўғлининг навбатдаги муштидан оғзи-бурни қора қонга бўялиб, юз тубан йиқилган ота кўнглидан: «Илоҳим ўсма, кўкарма! — деган қарғиш кечди.

Орадан йиллар ўтди. Укалари ақлли бўлиб улғайди. Бу орада йигит икки бор уйланиб, фарзанд кўрмади. Сиғинмаган жойи қолмади. Укалари эса, фарзанд кўришди. Хотинига айб қўйган эди, бошқа бировга турмушга чиққач, фарзанд кўрди. Ҳамма гуноҳ ўзида эканлигини билди у. Бир куни қишлоқ оқсоқоли Арбоб бобога дил дардини айтди. Шунда бобо: «Отанг билан онанг сендан розими?» деб сўради. Йигит ўн йилдан буён улар билан гаплашмаслигини айтди.

— Ота рози — худо рози — деганлар. Отангнинг дуосини ол, мушкулинг осон бўлади, — деб маслаҳат берди бобо.

У отасининг ҳузурига бош эгиб келганда, отаси кенжа ўғилларини чақириб, васият қилмоқда эди. Отасининг оёғига тиз чўкиб, «отажон, мен гумроҳ ўғлингизни кечиринг», деб йиғлаб ёлворди.

Шунда отаси деди: — Эҳ ўғлим, энди кечикдинг. Ғишт қолипдан кўчган. Ота қарғиши — ўқ, дейдилар. Отилган ўқ, қайтиб ўқдонга кирмайди. Мен кечирган билан, яратган оллоҳим кечирмайди сани, — деб жон берди.

Шундай қилиб, бу йигитнинг бири икки бўлмади...

Бу ҳикоятни келтиришимдан мақсад: Эй, сиз ёшлар оқ-қорани таниб ўрнига қўйинг. Отанинг юзига тик боқманг. Онаизор юрак-бағрин ғам-қайғу ўтида ёқманг. Бу пандимни доим ёдингизда сақланг:

**Отанинг қарғиши — отилган бир ўқ!**
**Она қарғишининг ҳам давоси йўқ!**
**Эй фарзанд, уларнинг дуосини ол!..**
**Яшнай десанг, қарғиш олишингдан қўрқ!**

**Қаҳҳор ҲУСЕНОВ,**
**Бухоро вилояти, Пешку райони, А. Жомий номли мактаб ўқитувчиси.**

# УМИД УЙҒОТАР СЎЗЛАР

ОҚҚЎРҒОН районидаги аёллар маслаҳатхонасининг мудири Санобар Йўлдошевани кўпчилик юзида илиқ табассум билан эсга олади. Чунки, у оналар соғлиги учун, дунёга келаётган боланинг сиҳати учун чинакам жонкуяр эканлигини меҳнати билан, хуш муомиласи билан намойиш қилолган.

Шифокор меҳнат қилаётган участкада 6700 нафар аёл ҳисобга олинган. Район маркази ва олтита жамоа хўжалигида яшовчилар фарзанд кўргунча шифокор назоратида туришади. Ўтган олти йил ичида қанчалар ўғил-қиз дунёга келди. Уларнинг кўпчилигига Санобар ўз оналаридай бўлиб қолган. Айниқса, «Ленинизм» жамоа хўжалигида яшовчи Мастура Туёқбоева «мана болангиз катта йигит бўлиб қолди», деб фарзандини олиб келганида шифокор нақадар тўлқинланиб кетганини гувоҳи бўлганман. Ундан ёрдам сўраб бошқа участкалардан, қўшни районлардан ҳам аёллар келиб туришади. Фарзандсизлар фарзанд кўришади, соғлом, тетик боланинг онаси бўлишади. Чунки, Санобар Йўлдошева олий ўқув юртида олган илмидан ташқари мустақил равишда ҳам билимини ошириб боради, зарур бўлган чоқда шарқ табобати усулларидан муваффақиятли фойдалана олади.

— Ҳеч жим туролмайман-да, — сиз билан баҳслашмоқчидай куюниб гапиради шифокор,— Бефарқ одам атрофдагиларига жон куйдира олармиди. Оилада ҳам шундай. Уй бекаси бефарқ бўлдими, тамом, нечта фарзанди бўлса ҳаммаси ҳам унинг таъсирида тарбия кўради. Айниқса, ҳомиладор аёлнинг ўзига нисбатан лоқайдлиги ҳали дунёга келмаган боласи учун ҳам зарардир.

— Ҳозир мураккаб давр. Тақчиллик натижасида аёллар камқонлиги авж олган дейишади, — деб суҳбатга тортаман уни.

— Етишмовчилик, тақчиллик биринчи йил бўлаётгани йўқ-ку? Авваллари ҳам шу камқонлик бор эди, — деб жавоб қилади у. — Турмуш тарзимиз шундай. Қишлоқда, боғ-роғли жойларда яшаб туриб ҳам мева, сабзавотларни ниҳоятда кам истеъмол қиламиз. Эрта тонгдан кеч оқшомгача аёлнинг умри далада ўтади, тинимсиз меҳнатда. Дам олишнинг эса ҳадеганда тайини бўлавермайди.

Инсон организми дунёдаги энг мураккаб электрон ҳисоблаш машинасидан ҳам кўп марта мураккаброқ. У тез-тез ҳордиқ талаб қилади. Дам олиш эса фақат якшанба кунлари, меҳнат таътили, байрамлар... Аёлларнинг дам олиш уйларига, санаторийларга боришлари қаёқда. Жуда борса, 20—40 ёшли бириккита қишлоқ аёлларини учратасиз унақа жойларда.

— Ҳаётимизнинг ҳар бир ўтиш даври қийинчиликлар билан бўлиши аниқ. Лекин бундай даврлар оналар организмига, дунёга янги келадиганларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

— Тўғри айтасиз, оғир ҳодисалар ривожланаётган даврнинг бола умри учун таъсири бор. Айниқса, она асабийлашса, қаттиқ толиқса асаб сезгилари орқали болага таъсир ўтказиши турган гап. Шунинг учун ҳомиладор аёлни асабийлантирмаслик, толиқтирмаслик, озиқ-овқатдан камситмаслик жуда муҳимдир. Айрим ана шундай етишмовчилик важидан салдан-салга асабийлашиш, бир-биримизга етказган зараримиз, хафачилик натижасида минглаб, миллионлаб нейронлар ҳалок бўлади, буларнинг ўрни тикланмайди кейин. Шуни биламизу ўзимизни асрашни ўйламаслик орқасида ҳали туғилмаган гўдакка, эртанги кунимиз кишисига қаттиқ озор бераётганимизни сезмаймиз.

Дарҳақиқат юксак инсоний фазилатлардан бири — меҳр-оқибатдир. Ўртадан кўтарилаётган ана шу меҳр-оқибатни қимматчилик, қаҳатчиликка йўйиш билан чекланишлик одобдан эмас. Лекин Санобар Йўлдошева каби кишиларнинг кулиб турган кўзларига қарасангиз, дадил ишонч билан бераётган маслаҳатларига қулоқ солсангиз бошдан кечирилаётганларингизнинг бари ўткинчидай туюлиб қолади. Ана шундай одамлар атрофимизда бор экан, умидларнинг рўёби барқарор, умрлар баракали, гўдаклар табассумида беқиёс кўркамлик мавжуд.

**Темур ҲАЙДАРОВ.**

Соғ бўл, онажоним, эй толмас юрак,
Доим баланд бўлсин табаррук бошинг.
Тўқсонга кирибсан, ёшинг муборак,
Бахтингдай балқисин бошда қуёшинг.

Ҳа, Зулфия она Охунова бугун тўқсон баҳорни қаршилаб турибди. Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район, Сағбон кўчаси, Ҳофиз Кўҳокий маҳалласида истиқомат қилувчи онанинг уч қиз, икки ўғлидан 18 набира, 37 эвараси бор.

Суратда: Зулфия она ўғли, келини ва невара, эваралари билан.

Дилаъзам ЗИКРИЛЛО ўғли олган сурат.

# ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ДУНЁНИНГ ишлари шунақа: кимнидир кулдиради, кимнидир йиғлатади. Яна ўзи юпатади, сабр-бардош беради.

Янгиқўрғон районининг Бирлашган қишлоғида Эргашалини кўрганимда беихтиёр хаёлимдан шулар кечди. Эргашалининг кўзлари кўрмаса-да, ҳамма нарсани сезади, ҳис этади. Овозингиздан кайфиятингизни, неча ёшдалигингизни айтиб беради. Тамоман бегона кишининг бир марта овозини эшитгач, анча вақт ўтиб бу овозни қаерда, қай тарзда эшитганини айтиб бера олади, юракларни титратиб қўшиқ айтади. Айтганда ҳам жўшиб, дард билан айтади.

— Ўғлим кўзи ожизлигидан сира нолимайди. Шундай бўлса-да, ҳар сафар қўшиқ айтганда чидаёлмайман, — дейди онаси Муқаддам опа.

Чиндан ҳам унинг қўшиқларини ҳаяжонсиз тинглаш мумкин эмас.

Эргашали рубоб, тор, пианино, доира, каби жами олти тур мусиқа асбобларида юздан ортиқ куй чалади, қўшиқлар ижро этади. Бирлашганликлар уни бажонидил тўйларига таклиф қилишади. У эса дўстлари — «Ёшлик» ансамбли аъзолари Фазлиддин, Комилжон, Рустамжон, Юнусбеклар билан биргаликда баҳоли қудрат хизмат қилади.

Эргашали ҳозир Охунбобоев номидаги давлат хўжалигига қарашли «Ниҳол» болалар боғчасида мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди. Шу билан бирга Наманган маданий-маърифий техникумининг IV курс талабаси ҳам. У ўзига ёққан қўшиқни игна билан ёзиб, қоғозга туширади. Бир-икки қайтаргач, ёзганлари ёд бўлиб қолади.

— Эргашали тўққизинчи синфгача Косонсойдаги кўзи ожизлар мактабида таҳсил олган. Оиламизда ягона фарзанд бўлгани учун тезда уйлантириб қўйдик. Ҳозир Нуриддин, Садоқат исмли набираларим бор, — дейди она.

Нуриддин... Садоқат...

Эргашалининг кўзларига нур бу, келинчак Зарифанинг Эргашалига садоқати бу. Шуларни ўйлаб, ўзимдан-ўзим ўкиндим. Нега барча кўраётган рангин гулларни, чиройли теваракни кўролмайди у?

Нега?

— Мен бир марта юрган йўлимдан ҳеч қачон адашмайман, — дейди Эргашали руҳан тушмай, — вилоятда ўтказилган «Камолат—92» кўригида биринчиликни олдим. Энди ўзимга қатъий ишонч бор. Келгусида «Камолат» кўригига албатта ўзим яратган янги қўшиқларим билан қатнашаман.

Эргашалини илк марта кўрганимда ачинган, раҳмим келган бўлса, суҳбатимиз сўнгида унинг иродасига, сабр-тоқати бардошига ҳавасим келди.

Эргашали ишлаётган боғчадан қайтар эканмиз, ўзимча ўйладим: унинг кўзи кўрмас бўлса ҳам юраги ёркин. Чунки дунёда кўзи кўрликдан юрак кўрлиги ёмон.

**Зарифа ШЕРМАТОВА.**

# ҲАР НАФАСДА, ҲАР ҚАДАМДА

Кеч хуфтонда аллақачон одамлар бирин-кетин уйқуга ётган пайтларида қўшни болаларнинг (улар 14—15 ҳатто 17 ёшларда) ҳамон кўчада санқиб юрганларини кўриб ачинаман. Ўша болаларнинг ота-оналари қандоқ уйқуси келиб, қандоқ хотиржам телевизор томоша қилаётганликларига ҳайрон бўламан.

Биз ота-оналар фарзандларимиз улғаётган пайтда уларни бир дақиқа ҳам унутиб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Улар кечкурунлари истаганча кўча кезса, кўнглига келган ишини қилса, кейин жиноятга қўл урса — пешонага бир уриб қолгандан не фойда?!

Бир таниш аёл «Кўп қаватли уйда тураман, бир кафт ерим, бир туп дарахтим йўқ. Лекин ўғлим қўни-қўшниларнинг дарахтларидан ҳар куни бир этак мева-чева териб келади. Ўзимизга етиб турибди», деганида титраб кетдим. «Териб келади» эмиш, йўқ у ўғирлаб келади. Ўғлининг ўша ҳаракатидан бугун она хурсанд бўлса, эртага унинг жиноятга қўл урмаслигига ким кафолат бера олади.

Шу кунларда гўё фарзандларимиздан узоқлашиб бораётганга ўхшаймиз. Кечгача ишдамиз. Дам олиш кунлари меҳмонга кетамиз. Кечқурунлари дастурхон атрофига йиғилганимизда кўпинча кўзларимиз телевизорда бўлади. Болаларга қарамаймиз, нима билан машғуллигига қизиқмаймиз.

ДОНОХОН АЯ.

# МАҚСАД МУШТАРАК БЎЛСА

***Шарқ табобати ва тиббиёт... Яқин-яқинларгача олов ва сув каби иккисини қарама-қарши қўйиб келдик. Энди билсак, Оврупадаги тараққий этган мамлакатларда ҳам халқ табобатидан унумли фойдаланилар, унинг соҳиблари қадрланар, алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор экан. Аслида «медицина» сўзи Машриқнинг буюк ўғлони, тиббиёт фанининг асосчиси, жаҳон табибларининг отаси, ҳамюртимиз «Авиценна» номидан олинган эмасми?***

**БИЗ** 70 йилдан зиёд вақт давомида кўп соҳаларда бўлгани каби табобат бўйича ҳам кўзимиз кўр, қулоғимиз кар яшадик. Қўлимизда ушлаган нарсадан ўзгасини тан олишни хоҳламадик. Халқ табобати билан шуғулланаётганларни ўзимиз учун биринчи галдаги душман, деб билдик, улар сургун, қувғин қилиндилар, жавобгарликка тортилдилар.

Лекин донолар билиб айтишганларидай, беш бармоқ баробар эмас. Ҳаққоний жазога лойиқ кимсалар олдин бўлиб келишган, ҳозир ҳам бор. Аввалари ҳам табибу бахши, дуохону азайимхон ниқобида пул, мол-дунё орттиришган. Элимизга ўзлигини, қадриятини танишга, қадимий анъаналари ва урф-одатларига кенг йўл очиб берилган ҳозирги даврда ҳам сув лойқаланганда балиқ овлаб қолишга интилганлар кўпайиб кетаётганлиги одамни ташвишлантиради. Бундайлар тиббиёт илмидан, халқ табобатидан мутлақо бехабар ҳолда турли гиёҳлардан ўзларича «дори-дармон» тайёрлаган бўладилар ва беморларга тавсия этадилар. Оқибатда шапағини оламан, дея сўқир қилинганидек, кўпинча кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқади. Баъзиларнинг касаллиги баттар оғирлашади ёки ҳаётдан барвақт кўз юмади.

Халқ табобати ўсимликлардан дори-дармон тайёрлаш асосига қурилади. Ўзимизнинг юртимизда, жумладан, Фарғона водийсида дори-дармон ишлаб чиқаришда асқотадиган 700 турдан ортиқ набобат ўсади. Улардан фармацевтика саноатида имкон қадар фойдаланилади. Лекин очиғини айтганда, ҳали фанга маълум бўлмаган қатор гиёҳлар ҳам борки, Шарқ табобати асосан шуларга суянади. Қолаверса, турмушнинг барча қирраси тақчиллик сезилган бугунги кунда дори-дармонларнинг ҳеч ким олмай ётган турлари ҳам анқонинг уруғига айланди. Бунинг устига баҳоси осмонга сапчиди. Шундай кезда ўз-ўзидан табибларга нисбатан эҳтиёж кучайди.

Халқ табобати қанчалик кўҳна ҳисобланмасин, тиббиёт фани илдизлари ҳам неча минг йилликларга бориб тақалади. Унинг илмий асослари бобокалонимиз Абу Али ибн Сино яшаган даврдан ҳам анча асрлар илгариги инсоният боскичларига тўғри келади. Илм-фан ва техника тараққиёти унинг пойдеворини мустаҳкамлади. Тиббиёт ривожи туфайли миллионлаб кишилар ёстиғини қуритган касалликлар барҳам топди, одамлар умри узайди. Биргина ўзимизнинг вилоятни олиб қарасак. Жамиятда вужудга келган иқтисодий бўҳронга қарамасдан маҳаллий ҳокимиятларнинг алоҳида жон куйдиришлари орқасидан даволаш тармоқларидаги қурилишлар бир дақиқа бўлса-да тўхтагани йўқ. Кейинги 2—3 йил ичидаёқ ўнлаб янги шифо масканлари қад кўтарди. Шу йилнинг ўзида кўп қиррали вилоят касахонаси қошида 210 ўринли болалар шифохонаси биноси бунёд этилди. «Бешкапа» болалар санаторийси янги иморатлар ҳисобига кенгайди. Кундузи қатнаб даволанадиган шифохоналар тармоғи 2 мингтага етди. Биз даволаш ишларининг 80 фоизини касалхоналардан амбулатория-поликлиникалар зиммасига ўтказдик. Шу давр ичида ҳар бири 380 нафардан беморга хизмат қиладиган 9 та ана шундай шифо маскани қурилиб, ишга туширилди. Уларнинг асосий қисми замонавий ва тараққий топган хорижий давлатлардан сотиб олинган асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ультратовушлар, эндоскоплар, ренгент ва радиоаппаратуралар шулар каторига киради. Республикада биринчилар каторида вилоятимизнинг икки жойида жаррохлик амбулаторияси очилди. Наманган шаҳрида ушбу типдаги амбулатория-поликлиника марказида сўнгги 8 ой ичида 2 минг бемор дардига шифо топди. Қарангки, агар ана шунча беморни касалхонага ётказиб тузатиш учун 1 миллион 300 минг сўм харажат талаб қилинса, юқоридаги усул атиги 70 минг сўм маблағ сарфлашни тақозо этди, холос. Амбулатория шароитида махсус тиббий ёрдам кўрсатиш оммалашмоқда. Булар самараси ўлароқ вилоятимиз миқёсида ўртача умр кўриш 3—4 йилга узайди, болалар ўлими 10—15 фоизга камайди.

Бу борада батафсилроқ маълумот келтиришнинг боиси шундаки, ўзини «табибман», дея кўкрагига уриб юрган айрим кишилар тиббиёт фани эришган ютуқларни, республика ва вилоят ҳокимликларининг халқ саломатлигини сақлаш юзасидан амалга ошираётган тадбирларини эътироф этгилари келмайди.

Бошқалар қатори биз, тиббиёт ходимлари ҳам ўз ишининг билимдонлари бўлган, Ибн Сино, Беруний каби улуғ олимлар ва ҳакимлар кўрсатмалари асосида иш олиб борадиган табибларнинг даволаш, ташсиҳ қўйиш бўйича эришаётган ютуқларини ижобий баҳолаймиз. Ҳамшаҳаримиз Муҳиддин Умаров ана шулардан биридир. Муҳиддиннинг баъзи касалликларни тўғри аниқлаш ва шифо топиш соҳасидаги қобилияти нафақат биз, балки Собиқ СССР Фанлар Академияси томонидан ҳам тан олинган. Тегишли идоралар унинг табиблик фаолиятини давом эттиришга рухсат берибгина қолмасдан, зарур шарт-шароитлар яратиб бердилар. М. Умаровнинг Шарқ табобатини жорий этиш марказининг довруғи эндиликда вилоятимиздан ташқари, бошқа шаҳар-қишлоқларга, қўшни республикаларга, ҳатто, хорижий элларга етиб борган.

Афсусларким, яна такрорлашга мажбурман, «табиб»-деган сўзни ниқоб қилиб беморларга фойдадан кўра зиёни кўпроқ тегаётганлар сафи кўпайиб кетаётганлигидан кўз юмиб ўтишга ҳаққимиз йўқ. Масалан, бир маҳал «Марварид» домла деган табиб номи овоза бўлди. Ўзича қиммат-баҳо тошдан турли касалликларга дори тайёрлашни «ўзлаштирган» бу кимсанинг одамларга фойдасидан кўра зиёни кўпроқ текканлиги аниқланган. Вилоятимизнинг тоғли қишлоқларидан бирида иш олиб бораётган тағин бир табиб ўзини ҳар қанча билимдон санамасин, бизнинг ҳамкорлик қилиш, тиббиёт институтлари билан боғланиш хусусидаги таклифларимизга қулоқ солгиси келмаяпти. Табиийки, унинг бу ҳаракати бизда қобилиятига нисбатан шубҳа уйғотди.

Ахир мақсадимиз муштарак, шунинг учун интилиш ҳам бир бўлиши керак. Қанийди, ҳар бир вилоят, районда шу йўналишда иш олиб бораётган кишилар аниқлаб чиқилса ва улар қобилияти махсус комиссиялар томонидан тегишли баҳоланса ҳамда ҳужжатлар беришса. Сўнг, шуларга суянилган ҳолда халқ табибларининг жамиятлари тузилса. Расмий идоралар уларга фаолиятларини давом эттиришлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берсалар, улар эса ўз навбатида тушаётган даромаднинг маълум қисмидан давлатга тегишли миқдорда бадал тўлаб борсалар. Вилоят, район соғлиқни сақлаш бўлимлари қошида табиблар фаолиятини назорат қиладиган, зарур пайтда ёрдам кўрсатадиган бўлимлар очилса, кўзлаган мақсадимизга тезроқ эришар эдик.

**Ваҳоб УМРЗОҚОВ,**
**Наманган вилояти, соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.**

# ҚОВОҚ ДАРДИНГИЗГА ДАВОДИР

**ҚОВОҚ** деганда кўзимиз олдида тандир оташидан узиб олинган пўрсилдоқ, лаззатли сомса, ёки қасқондан буғи ўрлаган сўлқилдоқ мантилар намоён бўлиши турган гап. Аслида қовоқдан тайёрланувчи ўнларча лаззатли таомларнинг шифобахш хусусиятларини ҳамма ҳам билавермайди.

Қовоқнинг гўштли қисмида 11 фоизгача қанд, витаминлардан С, $B_1$, $B_2$, никотин кислотаси, каротиноидлар, элатерицин А, фитостеринлар билан бир қаторда микроэлементлардан темир, шунингдек калий, кальций, магний, фосфор ва яна бошқа моддалар мавжуд.

Қовоқ уруғи таркибида эса 50 фоиз мой, 35 фоиз ўсимлик оқсили, қанд, аминокислота, лейцин, тирозин, фитин, салицил ва олма кислотаси, фитостеринлардан кукурбитол, смола каби моддалар, витаминлардан С, $B_1$, каротиноидлар бор.

Қовоқнинг шифобахш хосиятлари қадимдан маълум бўлиб, у халқ табобати амалиётида кенг фойдаланилади.

Қовоқдан тайёрланган қайнатма кўкрак оғриганда, қуруқ йўталда тавсия этилади, гўштли қисмини сувда пишириб, сариқ касалида, буйрак, қовуқ, истисқо касалликларида сийдик ҳайдовчи омил сифатида берилади. Қовоқ шарбати яллиғланган терига суртилади. Қовоқнинг юмшоқ қисми эзиб, темираткига боғланса, дарддан ҳоли қилишга ёрдам беради.

Абу Али ибн Сино қовоқнинг ҳосиятлари борасида шундай дейди: ... Қовоқнинг пиширилгани енгил овқат бўлиб тезда ҳазм бўлади.

... Унинг ширасы, айниқса, қизил гул ёғи билан қўшиб ишлатилганда қулоқ оғриғини босади ва мия шиши, сарамасга ва томоқ оғриқларига фойда қилади.

Ибн Сино булардан ташқари, қовоқни қўрда кўмиб пиширилганини қанд билан аралаштириб, ични юмшатиш учун истеъмол этиш мумкинлигини айтади.

Тарихда из қолдирган Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилий ўзининг «Махзан-ул-адвия» («Даволар хазинаси») асарида қовоқнинг ниҳоятда шифобахш эканлигини кўрсатиб ўтади.

Қовоқни гўшт билан бирга истеъмол этилса, аъзоларга яхши сингийди. Қовоқни мош ва нўхот билан бирга пишган шўрваси изтиробли йўталга даво бўлади, жигарга ижобий таъсир кўрсатади, безгак ҳароратига эмлик қилади.

Қовоқнинг барча навлари сафро ва қони ошиб кетган иссиқ мижозли кишилар учун фойдалидир. Совуқ мижозли кишилар қовоқни саримсоқ, хардал, қалампир, туз билангина истеъмол қилиши мумкин.

Қовоқдан тайёрланган мураббо (шакар ёки асал билан) мияни пешлайди, дардларни қувади.

Қовоқнинг хосиятларини санаб, интиҳосига етиш қийин. Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардан қовоқ пўстлоқларининг қайнатмаси билан тери касалликларини даволашган. Қовоқ тери яллиғланганда, гуш (экзема)да, куйганда ва совуқ урганда ҳам ишлатилади.

Шарқ халқлари табобатида қовоқни қўрга кўмиб пишириб, қўл ва оёқларнинг оғриган жойларига босиш тавсия этилади. Унинг гўштли қисмини куйдириб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб, битмаган яраларга малҳам қилинади.

Қовоқ уруғларининг мағизи гижжа туширувчи беозор омил эканлиги азалдан маълум. Бунинг учун қовоқ уруғини ейиш тавсия этилади. Аввалига қовоқ уруғининг пўстлоқлари ажратилиб, 300 грамми ховончада янчилади. Янчиш жараёнида 10—15 томчидан сув қўшилади. Сув миқдори 50 граммдан ошмаслиги керак. 1 ош қошиқ асал ёки мураббо ҳам қўшилиши мумкин. Аралашма тайёр бўлгач, наҳорда бир чой қошиқ едирилади. Уч соатдан сўнг беморга сурги дориси берилади.

**Шифобахш таомлар.**

Ширқовоқ номи билан юритилувчи таом нафақат татимли, лаззатли бўлибгина қолмай, бир қатор хасталиклар учун ҳам пархез сифатида тайёрланади... Ширқовоқ жигар, меъда-ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун, шунингдек, оғир хасталикни бошидан кечирган кишиларга дармонбахш озуқа сифатида тавсия этилади.

**Кади яхнаси.** Ошқовоқнинг «дастор», «чилим», «витаминли» каби навларининг биридан 0,5 килограммча олиб, уруғини ажратиб, тивитларини кесиб ташлайсиз. Сўнгра гугурт қутисидек бўлакларга бўласиз. Сўнг уни сутга солиб қайнатасиз, пишиш олдидан пича туз соласиз. 25 минутдан сўнг оққовоқни сутдан лаганга оласиз, совутгач, дастурхонга тортасиз.

Кади яхнасининг энг қулайи, қасқонга солиб, буғда пишириш. Ушбу таом халқ табобатида ошқозони оғриган беморларга дори бўлади, ичак ва юрак-қон томир касалликларига парҳез сифатида қўлланилади.

Қовоқли таомлар танани мустаҳкамлаши билан бирга кўзни равшанлаштириш хусусиятига ҳам эга.

**Н. МАЖИДОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**
**Э. ЖЎРАЕВ,**
**фармацевтика фанлари номзоди, олий даражадаги доришунос**
**М. НАБИЕВ,**
**доришунос.**

# Қалбаки кароматкор

**«Ҳурматли таҳририят!**

**Бу хатни сизларга юрак-бағрим зардобга тўлиб, кўзларимда жиққа ёш билан, вужудим терак баргидай қалтираб ёзмоқдаман. Худойи Тоолога нима ёмонлик қилган эдимки, шунчалик қасди-бастига олмаса, деб йиғлайман нуқул. Айбим она бўлиб яратилганимми? Эрим Қодир Қурбонов учун бир эмас, уч фарзандни дунёга келтириб, эртайи-кеч уларнинг бахтини тилаганим, юрак қўримни бахшида қилиб, не орзу-ниятлар билан вояга етказганимми? Майли, менда бирон айб бўлса бордир, аммо ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб улгурмаган, суяги қотмаган уч норасидада нима гуноҳ? Бу ҳасратимни сиздан бўлак кимга айтиб, қон қора қақшаган юрак дардим учун кимдан мадад сўрайин, сиздан бўлак мени ким эшитишга қодир? Уч йилдирки ҳаловатим йўқолиб, умрим болаларини тирик етим қилиб, ёлғиз бошимга ташлаб, дом-дараксиз кетган эримни излаш билан ўтди. Қидирув эълон қилдим. Ниҳоят Тошкентнинг А. Икромов районидаги П. Эркаева деганнинг қўйнидан топдим...»**

Бўстонлиқ район, Товоқсой қишлоғилик Сония Ҳабибуллаеванинг юрак туғёнини босолмай ёзаётган мактубини шу ерда тўхтатиб, асли воқеага андак изоҳ берайлик. Муштипар аёлни доғи ҳасратда куйдирган Қ. Қурбонов 1954 йилда туғилган, ўрта маълумотли. Иш жойининг тайини йўқ. Бирон корхонада бир ярим йилдан ортиқ ишламаган. Ҳалол тер тўкиб, меҳнат қилишга бўйни ёр бермаган ҳеч қачон. Мактабни ҳам аранг битириб олган эди. Ўқиш жонига текканидан уни ортиқ давом эттиришга тоқати чидамади. Қандай бўлмасин осон йўл билан пул топиб, бойиш усулларини қидирарди. Бундайлар ҳақида халқда шундай матал бор: ёз бўлса-ю қиш бўлмаса, ош бўлса-ю иш бўлмаса. Шу ўй уни Тошкент вилояти билим жамияти қошида очилган олти ойлик кароматкорлар тайёрлаш курсига етаклади. Дарсларга бир кун бориб, ўн кун бормай, амаллаб, номигагина аранг битириб олди. Дарров ўзини биоқувват ўтказиш йўли билан массаж берувчи, деб эълон қилди. Қўлида ҳеч қандай рухсатномаси бўлмаслигига қарамай беморларни қабул қилиб, мўймаймўмай пул топишга муккасидан тушди. Бироқ, ҳеч ким ундан даво топмай, қалбаки шифокорлиги ошкор бўлиб, айрим норозиликлар, ҳар хил гап-сўзлар ўрмалади. Шундан кейин у ўзига ҳимоячи излаб, Чилонзор район қизил ярим ой жамиятида шартнома асосида ишга жойлашди. Кунда ўнлаб хотин-халаж, шифо тилаб келган содда беморларни қабул қилади, ҳамёни пулга тўлаверади. Аммо қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади, деганлари ҳақ бўлмаганда ҳаммаси хамирдан қил суғургандай давом этаверарди. Қурбоновнинг миси чиқиши муддати қирқ кунга ҳам етмади. Яна омма ўртасида норозиликлар туғилиб, ҳар ёққа ёзишмалар бошланди. 1992 йилнинг 28 июлида келган ва 10—5—89 рақами билан таҳририятимиз рўйхатига олинган бир гуруҳ «даво топган» ва қалбаки кароматкорнинг тагини суриштириб билганлар хатидан қандай ёзилган бўлса, ўзгартирмай парча кўчирамиз:

**«...У эркак эмас, шарманда. Фамилияси Қурбонов Қодир. Экстрасенслик қилиб алдайди одамларди. Экстрасенслиги ёлғон. ...Ҳаммани алдаб тандир кийдириб юради. Аслида у қаллоб одам. Хотинвоз. Учта боласини ташлаб қақшатиб емиш-ичмишсиз кўзида ёши билан ҳозир Чилонзорда бир... (бу ерда ҳақорат бор) 3 та болалик билан бирга яшайди...»**

Ушбу сатрлар муаллифи юқоридаги мактуб бўйича қидириб бориб, Қ. Қурбоновни ҳақиқатдан ҳам Пўлатой Эркаеванинг уйида учратди. Паспортини сўради. Икковлари ҳам паспортлари йўқолганини айтишди.

— Уч йилдан бери бир уйда пропискасиз, ЗАГСдан ўтмай яшашдан уялмайсизларми?

— Йўқ, никоҳ ўқитиб олганмиз. Икки йил бўлди.

Ким никоҳ ўқиди? Аввалги хотинидан расмий ажрашмай туриб, аввалги уйидаги пропискасидан ўчирилмай, қайта ЗАГСдан ўтганлигига гувоҳлик берувчи махсус қоғози йўқ шахсларга ўқилган никоҳ инобатга ўтмайди-ку? Бировнинг оиласини бузиш ҳисобига бошқасини тузиш... Ахир бу жиноятку! Ҳатто Қуръони Каримда ҳам икки оилани моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлашга қодир, шунингдек, биринчи хотининнинг лутфан розилиги бўлгандагина эркак билан иккинчи аёл ўртасида ўқилган никоҳ ижобат бўлиши таъкидланганку? Наҳотки никоҳ ўқиган чала мулланинг фаҳми шу оддий қонун-қоидага ҳам етмаган бўлса?

Бир меҳмон афсус еб гапириб берган эди: Чилонзордаги «Шифокорлар» меҳмонхонасида ётсам, бир ҳафтада икки марта участка инспектори келиб, ҳужжат текширибди-я. Яна нуқул ярим кечада, маст уйқуда ётган маҳалинг ҳеч қандай такаллуфсиз, эшикни зарб билан очиб, кириб келаверади. Шунчалик беҳурматлик бўладими?..» А. Икромов райони оператив пункти, паспорт столи идораси ходимларининг шундоққина биқинларидаги уйда эса бутунлай бегона одам уч йилдан бери бепрописка яшаши туфайли паспорт режими қатъий бузилаётганлиги билан ишлари йўқ. Ана сизга қонунга риоя қилишлару ана сизга вазифа бўйича масъулият ҳис этишлар.

— Ўша редакцияга хат ёзганларнинг кимлигини айтинг,— дейди Қ. Қурбонов муштини тугиб,— бориб бўғиб, ўлдириб келай.

Унинг важоҳатидан шундай қилишдан тоймаслиги кўриниб турарди. Афтидан «кароматкор»лигини унутиб қўйди чоғи. Балки В. Ивановнинг «Қандай қилиб экстрасенс бўлиш мумкин» деган китобини ўқиганда бундай демасди. Чунки китобда кароматкорнинг ҳам, башоратчининг ҳам кўнгли нақадар тоза, беғараз, энг ёмонга ҳам яхшилик қилишга мойил одам бўлиши муҳим эканлигини ёзади. Аксинча, биринчи галда ўзига-ўзи зарар етказиши, руҳлар томонидан қаттиқ жазоланиши мумкин. У ҳар жиҳатдан соғлом бўлиши ҳам керак. Аксинча давоси беморга нисбий ва тескари таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳам алоҳида таъкидланади китобда. Қ. Қурбоновнинг эса қайси хислати бу талабларга жавоб беришини билмай бошинг қотади.

— Мен бу кишини жиннихонадан олиб келганман,— дейди гўё ўзининг қилмишини оқламоқчи бўлгандай П. Эркаева,— хотини яхши қарамас экан, эгнига дурустроқ кийим ҳам олиб бермабди.

Бу гаплардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Дафъатан эрсиз аёллар учун энди жиннихонадан куёв қидириш урф бўлганми, деган фикр келади миянгга. Иккинчидан, қачондан бери эркаклар аёлларгагина қарам бўлиб, чор-ночор қолган эдики, ўзи ишлаб, пул топиб, истаган кийимини сотиб олишга қурби етмаса. Ногирон, ҳеч нарсага лаёқатсиз бўлганида ҳам бошқа гап. П. Эркаева уни жиннихонадан олиб келганлигини деш қилишидан мақсад ўзининг олижаноблигини таъкидламоқчи, деб ўйларсиз. Балки шундайдир. Лекин шунчалик инсоний хислат эгаси экансан, нима учун уни ўз оиласи — бола-чақалари ҳузурига эмас, шахсан ўз уйингга олиб кетиб, уч йилдан бери хотининнинг қидирувидан яшириб ўтирибсан, дегинг келади.

**«...У турган уйни П. Эркаева ишлаётган кўрлар маданият уйи ходимлари ёрдамида аранг топдим,— дея ёзишда давом этади С. Ҳабибуллаева,— тўғри бориб, икковини бирга ётган ерида тутдим. Эрим чала-чулпа кийиниб, қочиб қолди. Эркаева овозимни қўни-қўшни эшитиб қолмасин, деб менга чой тутди. Ўзимга келтириб, усталик билан алдаб-сулдаб жўнатди. Шундан кейин ҳам Қодир болаларини кўргани бирон марта келмади. Эртасигаёқ ўша аёл билан қайта топишиб, ҳамон яна бирга яшамоқда. Сўраганга П. Эркаева «Қодир мен билан турмайди, ўз уйига кетган», дермиш. Аслида ҳаммани алдаётир. ...Жуда ҳам жонимдан тўйиб кетдим. Осмон йироқ, ер қаттиқ, қаерга бошимни уришимни билмай, болаларим ҳолига ачиниб юм-юм йиғлайман. У ёқ-бу ёқларга арз қилиб қатнайвергани хижолат тортаман, унинг устига вақт қайда. Ўзим узоқда турсам, йўл кира нархи осмонда. Ишдан прогул қилиб, маошсиз қолсам қиш-қировли кунларда болаларимни ким боқади, уй-рўзғорига ким қарайди? Газ, электр пули, уй-жой ҳақи палон сўмдан турса...»**

Қ. Қурбонов эса парвойи фалак. Қизил ярим ой жамиятида миси чиқиб, иши юришмай қолганидан кейин П. Эркаева бир иложини топиб уни ўз ёнига — Кўрлар маданият уйига, бировнинг ўрнига ишга илинтириб олади.

— Мен экстрасенсман,— дейди Қодир маданият уйи директори билан ўзаро суҳбатда. Лекин буни қайси маънода (балки мен керакли одамман, маошимни ошириброқ беринг, демоқчидир) айтганини тушунмаган директор ўзича хулоса чиқаради-да:

— Экстрасенс бўлсангиз, саҳнага чиқиб, кўпчилик олдида сеанс беринг, қўшимча ҳақ оласиз,— дейди.

— Йўқ, унақага қобилият менда етишмайди, мен артист эмасман!— деб жавоб қилади Қодир керилиб.

Шу кундан бошлаб икки донлашувчилар ҳақида ҳар хил шивир-шивирлар ўрмалайди. Бунинг устига С. Ҳабибуллаева ариза ёзиб, икковининг масаласи касаба уюшмаси мажлисида кўрилишини талаб қила бошлайди. Директор Қ. Қурбоновнинг Тошкент шаҳри пропискасида бор-йўқлигини билиш учун паспортини сўрайди (йўқ дейилган паспорт топила қолади ҳам). Қараса, прописка бошқа ёқда. Шу баҳона унинг ҳужжатларини расмийлаштирмасликка мажбур бўлади. П. Эркаева ҳам бундай тасодифий ҳолдан хавотирга тушиб, типирчилаб қолади. Сир очила бошлагани, обҳаво бошқа томонга қараб ўзгараётгани учун тезда ариза ёзиб бўшай қолади. Аммо эртасигаёқ директорни ўзбошимчаликда айблаб, юмалоқ хат уюштирадилар. Бироқ, юмалоқ хатларга нисбатан эътибор бериш аллақачонлар барҳам еганини унутиб қўйишгандилар, чоғи. Минг афсуски, ҳозирги кунда ҳам директор устидан мағзава тўкиб, шикоят уюштириб, имзо тўплашни давом эттираётирлар.

— Менга шуни айтингчи,— дейди Қ. Қурбонов суҳбат маҳали мўлтайиб ўтирганча,— омадим юришмаса нима қилишим керак?

Омад... Ҳамма қатори астойдил жон куйдириб меҳнат қилиш, ҳалол ишлаб, ҳалол пул топиш ҳаракатида бўлмай, фақат олма пиш — оғзимга туш, қабилида иш тутган ландовур, на эркаклик ғурури, на салоҳияти бор одамда омад нима қилсин!?

Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак бахт бир афсона...

деганда атоқли Ғафур Ғулом ноҳақмиди ё? Худойи Тооло ҳам сендан ҳаракат — мендан баракат, деган-ку, деб уқтиришади кексалар. «Худо осмондан ёмғир билан қордан бўлак ҳеч нарса ёғдирмайди,— деган эди Аҳмад Дониш,—...Шунинг учун ҳар киши ҳар вақт ҳаракатда бўлиб, бузуқ ишларга қараганда тузук ишларни кўпайтирсин...»

Не иложки, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан ҳеч. Қ. Қурбонов билан П. Эркаеванинг осон йўл билан мўмай пул топиш касали бугунги мураккаб давр эҳтиёжи туфайли урф бўлган олиб-сотарликнинг янгича усули тижорат ишига бошлаб келди. Бироқ П. Эркаеванинг Қ. Қурбонов билан ёнма-ён ишлаш илинжида жон куйдириши бекор кетиб, айрим сабабларга кўра унинг таклифи инобатга ўтмади. Яна «омади юришмаган» Қ. Қурбонов эса қайта ўзининг хуфяки ишларига муккасидан тушади. П. Эркаева учун така бўлсину сути бўлсин, унинг қаерда нима каромат кўрсатаётганидан қатъий назар пул топиб келса бас. Умуман кўр-кўрни қоронғуда топар, деганларидай кўп жиҳатдан икковлон жуда топишган, бир-бирларига жуда ўхшаш, мос тушишган. Фарзандлар тарбияси усули бўйича ҳам бир-бирларидан нусха кўчиришган. Айниқса, П. Эркаева ўз ахлоқий «фазилат»лари билан гулдай болаларига қандай ибрат кўрсатаётганини, бу ўз навбатида уларнинг эртанги тақдири, шаънига салбий таъсир кўрсатишини ўйламаётгани ёмон.

**«Нимага шунақа қилганларни жиноятга тортиш мумкин эмас,— дея давом этади С. Ҳабибуллаева,— шунчалик тошбағир бўлиб кетганмизми ё? Бировнинг эрини қонуний хотинидан тортиб олиб яшашга номус қилмайдими? Бу миллат учун ҳам иснотку! Бировларни бахтсиз қилиш эвазига бахтиёр бўлолмайди-ку инсон!»**

Эҳ, Сонияхон, фақат ўзим бўлай деб худбинлик йўлини мақсад қилиб олган одам бу ҳақда ўйлармиди? Ё у фақат сизнинг эрингизнигина бошини айлантириб, қўғирчоқдай ўйнатмоқда холосмиди? Шундай деб ўйласангиз янглишасиз. Кўпларни тузоққа илинтириб, «мен сеникиман, сендан бўлак бирон кимсам бўлса — худо урсин», дея онаси, болаларининг соғлиғини ўртага қўйиб, такрор-такрор қасам ичишлари, тил ёғламаликларини эшитмагансиз. Лекин буларнинг ҳаммаси унинг аврашлари, кўзёшларига чиппачин ишониб тақдирини у билан боғлашга қатъий аҳд қилганидан ундирадиганини ундириб, бойлик орттириб олгунга қадар, холос. Иши битиб, эшаги лойдан ўтгандан кейин эса унинг ўзини лойга булғайди. Бошқасига тузоқ қўяди. Ана шу устомонликлар олдида лол қолиб, чув тушиб, панд еб, охири пешонасига «шап» этиб урганларнинг ҳасрати қайси таърифга сиғсин. Афсуски, масаланинг бу томони тўғрисида батафсилроқ тўхталишга имкон йўқ. Шунинг учун бу борадаги тўпланган далилларни навбатга қолдириб, бир мактуб сабаб битилган мазкур фельетонимизга ҳозирча уч нуқта қўямиз...

Фақат «қаҳрамонлар»имизга икки оғиз маслаҳат: ҳаёт билан ўйнашиб бўлмайди. Қадамингни билиб бос. Ҳаёт қонунларига зид юрсанг эртами-кеч у албатта сендан қасосини олиши муқаррар. Шунинг учун эсинг борида этагингни ёп ҳам дейдилар. Юқорида ёзганларимиздан хулоса чиқариб, жиддийроқ ёндошиш билан масалани оқилона ва адолатли ҳал этишингизни истаймиз. Аксинча, қатъий тартибга чақириб, тўғри йўлга солиб қўядиган зийрак жамоатчилик борлигини ҳам унутмаслик керак. Унинг арқонни узун ташлаб қўйиб, вақти келганда қандай қилиб йиғиштириб олишни яхши билишлиги доно кексаларимиз ҳаёт тажрибасидан маълумдир.

**Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ФРАНЦИЯ мудофаа вазирлигининг хабар қилишига қараганда, «Клемансо» учоқбар кемаси саркор француз ҳарбий кемаларидан иборат гуруҳ Адриатика денгизига кирди.

Халқаро ҳавзага кирган гуруҳ таркибида учоқбардан ташқари осмондан ҳужумга қарши иккита мудофаа кичик кемаси, иккита қайиққа қарши кичик кема, шунингдек десант кемаси ва ёнилғи ташувчи танкер бор.

Жанговар кемалар бортида ўттизга яқин қирувчи самолёт ва шунча транспорт самолётлари, жанговор вертолётлар бор. Франция Мудофаа вазирлиги вакилининг гапларига қараганда гуруҳнинг асосий вазифаси воқеларнинг ҳар қандай ривожланишига тайёр туриш, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Югославия ҳудудидаги «мовий қалпоқлилар» таркибидаги Француз аскарларининг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

* * *

● ФРАНЦИЯ Ташқи ишлар вазири Роллан Дюма «Сюд-Уэст» деган вилоят газетасида эълон қилинган суҳбатида Франциянинг Африка жандармига айланиши тўғрисида гап кетиши ҳам мумкин эмас, деб айтган. Мажбуриятларимиз бизга шундай мажбуриятларни топширган мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, юзага келган тартибсизлик ушбу мамлакатларда яшайдиган французларга таҳдид солишининг олдини олишдан иборатдир, деди ташқи ишлар вазири.

* * *

● ЛАОСГА ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь Хитой-Лаос муносабатларига юкори баҳо берди. Синьхуа ахборот Маҳкамасининг Вьентьяндан хабар қилишига қараганда, ташқи ишлар вазири Лаос Президенти ва Лаос халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Раиси Нухак Пхумсаван билан учрашаркан, икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик алоқалари янги босқичга кўчмоқда, деб айтган.

* * *

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари стратегик мудофаа ташаббуслари (СМТ) доирасида ўтказилаётган балластик ракеталарни тутишга мослашган «Бриллиант пебблз» тизимини барпо этишдаги ишларни қисқартирмоқда. Маълумки, бу дастур унча катта бўлмаган тутувчи ракеталарни фазога жойлаштиришдан иборат бўлиб, ўрнатилган мосламалар душманнинг стратегик ракеталарини йўқ қилиши керак эди. АҚШ Мудофаа вазирлигининг хабар қилишига қараганда, ушбу «зидди ракеталар»нинг ўнта синови ҳозирги вақтда бекор қилинди, қолган синовлар эса бир йилдан сўнг амалга ошириладиган бўлди.

Ҳар ким ўз касбининг ҳоқонидир. Аёллар сочини қандай моҳирона саришталаш, қўнғир қилиш сартарошнинг маҳоратига боғлиқ. Булғорияда ҳозир «оқшом безаги» деган ном билан сочни безаш урф бўлган.

Сиз кўриб турган суратда гул ва турли зеб-зийнатлар билан соч турмаклаш усулларидан бири.

**Латвияда** нонни чет эл валютасига ҳам сотиб олса бўладиган бўлди. Эндиликда АҚШнинг 1 долларига 4 буханка нонни бемалол сотиб олиш мумкин. Бу нонлар Латвияга Литвадан олиб келинмоқда. Литванинг ўзида бўлса, нон меъёр бўйича сотилмоқда. Киши бошига бу ерда икки килограмм қора ва бир килограмм оқ нон сотилмоқда.

* * *

**Қозоғистон** 1992 йил ҳосилидан 3 миллион 210 минг тонна ғаллани МДҲ давлатларига сотади. Республика Вазирлар маҳкамаси ана шундай қарор қабул қилди.

* * *

**Январь** ойидан бошлаб самолёт билетлари ғоят даражада қимматлашиб кетганлиги муносабати билан Сочидаги кўплаб санаторийлар ва пансионатларни ёпишга тўғри келмоқда.

**Бразилиянинг** кўплаб йирик металлургия компаниялари Россиядан кўмир олишга қарор қилдилар. Бу Бразилия пўлатини четга чиқаришга Вашингтон томонидан олинадиган божнинг ошиб кетганлигига уларнинг жавобидир.

* * *

**Японияниг** Хоккайдо ороли шимолидаги Отару портида Россия денгизчиси ўғирлик қилганлиги учун камоққа олинди. Унинг нархи 160 доллар турадиган машина балонини ўғирламоқчи бўлганида полициячилар ушлаб олишган.

Фақат ўтган йилнинг ўзидагина россияликлар 209 марта контрабанда, ўғирлик ва ҳатто босқинчилик туфайли қўлга тушишган, деб хабар берган Отару шаҳри полиция бошқармаси вакили.

* * *

**Эрон** Президенти Рафсанжоний британиялик ёзувчи Солмон Рушви устидан қабул қилинган ўлим ҳукмини бекор қилмаслигини айтган. Чунки бу ҳукмни қабул қилган Оятулло Ҳумайни вафот этиб кетган, деб таъкидлаган у.

* * *

**Америкада** чиқадиган «Тайм» журнали ўтган йили реклама ва эълонларни чоп қилишнинг ўзидагина тахминан 350 миллион доллар фойда кўрган. Иккинчи ўрин 259 миллион доллар фойда билан «Ньюсуик» журналига насиб этган. «Ю. С. ньюс энд Уолд рипорт» — 196 миллион доллар билан учинчи ўринни эгаллаган.

## БИР-БИРИСИЗ ЯШАЙ ОЛИШМАДИ

**ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Марли шаҳридаги ақли заиф одамлар учун ажратилган алоҳида касалхонада 50 ёшда бўлган икки эгизак склероз касаллиги туфайли бир вақтда вафот этишди.**

**Улар бу касалхонада 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери даволанишарди. Қариндошларининг айтишларига кўра, уларнинг ҳар иккиси бу касалликка жуда ёшлик пайтларида, бир вақтнинг ўзида чалинишган. Кейинги пайтда уларнинг аҳволи баравар оғирлашган. Бельгияда чиқадиган «Суар» газетасининг хабар беришига қараганда, врачлар эгизаклардан бирини вафот этганини иккинчисига хабар қилиш учун у ётган палатага келишса, у ҳам ўлиб ётган экан.**

## САБАБИ ВИНО ЭКАН

**АМЕРИКАЛИКЛАР буни «Француз мўъжизаси» деб аташади. Чунки французлар таркибида холестерин моддаси кўп бўлган ёғлиқ овқатларни бошқа мамлакатлар аҳолисига қараганда кам истеъмол қилмасаларда, Францияда юрак ва қон томир касалликлари туфайли ўлим содир бўлиши масалан, АҚШ ёки Голландиядагига қараганда анча-мунча кам. Бу биттаяримта ўйлаб чиқарган шунчаки бир гап эмас, балки Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Моника» шартли белгиси остида ўтказган махсус тадқиқоти натижасидир.**

**Нима учун Лондонда ёки Гаагада инфаркт касали Бордодагига қараганда беш марта кўп учрайди, деган саволга тадқиқотчилар: «Бунинг сабаби винода» деб жавоб беришмоқда.**

**Гап шундаки, Французлар виски ёки жин ўрнига қизил ва оқ узум виносидан ичишади. Бу эса одам юрак ва қон томир системаси ишини яхшилайди.**

**Французлар буни анча илгарироқ илгаб олганликлари туфайли ҳам узумларни йўқ қилишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ҳозир улар томир ва қон тадқиқоти миллий институтида узум винолари фойдасини ўрганишни қизитиб юборганлар. Аммо институт директори Жан Каэннинг таъкидлашича, вино ичишни ҳаддан ташқари суистеъмол қилиш жигарни емирилишига олиб келар экан. Бу касаллик бўйича оғришда французлар қўшни мамлакатларни ортда қолдиришган.**

**В. ПРОКОФЬЕВ,**
**Париж.**

## «КИРИ» ЮВИЛГАН МУШУК

**БЕЛЬГИЯДА чиқадиган газеталардан бирининг хабарига кўра, туғилганига бир ярим йил бўлган Прискин лақабли мушукни коинотга бемалол учирса бўлар экан. Қандайдир сабабга кўра мушук кир ювадиган машина барабанига тушиб қолган. Бекаси буни сезмай унинг устига кирларни ташлаган ва сув қуйиб машинани ишлатган, Белгиланган программа бўйича ишлаган кир ювиш машинаси орадан 90 минут ўтгач автомат равишда кирларни чайган ва сиққан. Буни қарангки, мотори минутига 1200 марта айланадиган жойдан мушук эсон-омон чиққан. Унинг бор-йўғи битта тирноғи синган ва қулоғининг орқа томонидан икки-уч жойи сал кўкарган.**

**Н. ШЕВЦОВ,**
**Брюсель.**

# ТИРИК ТОВОН

ИНТЕРМЕДИЯ

**Хонада Шаҳодат хола билан ўғли Зикир. Зикир тумтайиб ўтирибди.**

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Аразлаб келгани уялмадингми? Маҳалла — кўй эшитса, нима деган гап бўлади. Тинчликми, ё ораларингдан ола мушук ўтдими?

ЗИКИР:— Ўтди. Мақтаб олиб берган қайлиғингиз шуми? Жонимни ҳиқилдоғимга келтириб қўйди-ку.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Тўйдан олдин ёғдек. ёққанди-ку... Энди...

ЗИКИР:— Ёғдек эмиш, чақир тикан-ку у. **(Зубайда кириб келади).**

ЗУБАЙДА:— Ассалому алайкум, ойижон яхшимисиз, соғ-саломат юрибсизми? Салом, хўжайин, ҳа, хайр-хўшни насия қилиб қочиб-а?

Эсон-омон етиб келдингизми?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— **(Зубайда билан кўришади).** Яхшимисиз, соғ-омонмисиз, Зубайдахон?

ЗИКИР:— Ҳа, чақир тикан, орқамдан келдингми?

ЗУБАЙДА:— Кулиб. Ҳа, энди эр қаерда бўлса, хотин ҳам ўша ерда дейишади, машойиқлар.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Бунақа меҳрибон, оқила, қадрдонни қаердан топасан?

Келин бўлар, шунчалик бўлар.

ЗИКИР:— Сиз ҳам Зубайдага сотилгансиз, унинг гапини гап дейсиз-у, меникини капейка... Бу кунларга қолгандан кўра... **(йиғлайди).**

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Йиғлама-е, ўғил деб эссиз сени боққанларим.

ЗИКИР:— Нима, йиғлашни фақат сизларга чиқарганми, ҳуқуқимиз тенг ахир. Кўнгли сиқилган ҳар бир киши йиғлаб, дилини бўшатиб олишга ҳақли.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— **(кулади),** Ҳозир йиғлайдиган замонми?

ЗИКИР:— Сиз нега куласиз? Уйлан, уйлан деб ҳоли-жонимга қўймай, энди устимдан кулишингиз бормиди?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Кулмай, йиғлайми?

ЗИКИР:— Менинг аҳволимга тушганингизда сиз ҳам қон йиғлардингиз.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Қани, айтчи, бундай куйиб йиғлашингга нима сабаб?

ЗУБАЙДА:— Арзимаган гап.

ЗИКИР:— Сен жим тур!

ЗУБАЙДА:— Хўп, хўп, хўжайин, майли бир бошдан айтиб беринг.

ЗИКИР:— Гап қўшмай тур. Шу қўриққа кўчиб бориб, ёмон бўлмадик. Ҳавоси ёқди. Ўша ёқда қилиғи чиқди бу ойимтилланинг. Нақ тили бор эканки, гапларига илон пўст ташлайди. Ўтирсам ўпоқ, юрсам сўпоқ. Менинг ўрнимда бўлганингизда борми, битта койишидаёқ ташлаб қочардингиз. Тағин мен чидадим.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Қани мақсадга кўч, ундан қандай зулм кўрдинг?

ЗИКИР:— Ўша чўл зонага борганимиздан кейин биргалашиб ишлаймиз, қани далага юринг, деб туриб олса бўладими? Хў, барака топгур, бир одам уйда бўлиши керакми, ош-овқат, қозон-товоқ, кир-чир ювиш, супириш-сидириш деган-дай... Мен шу ишларни эплаб турай, дедим. Қани гапга кўнса. Биласизку, мен дала ишига йўқман.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Эр уйда-ю, хотин ишда бўлсин, дедингми?

ЗИКИР:— Ҳа, нима қилибди, ҳозир далада эркакдан хотин кўпку, ахир. Зубайда дала ишига ўрганинг, деб тракторларга ёқилғи қуядиган қилиб қўйди. Ҳа, майли, муросаю-мадора экан, деб ишлаб юргандим, бу ишда чекиш мумкин эмас эмиш. Чекким қистаб тутатсам, Зубайдангиз ёнимни олиш ўрнига одамларга қўшилиб уришади-я? Бир бак мой ўз-ўзидан ёниб кетувди, мендан кўришди. Мана шу бегона одамларга қўшилиб қаматворишига сал қолди. Хўш, бунга куясизми, ўласизми-а?

ЗУБАЙДА:— Ҳеч вақт ўз-ўзидан ҳам ёнадими?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Шуни айтинг-а.

ЗИКИР:— Сен жим тур Зубай, сиз ойи, бунинг ёнини олманг. Қурилишга ишга ўтди. Ғишту-лойга қоришиб ишлашга тоқат қаёқда, дейсиз. Ихраб, вой-вой белимлаб бир амаллаб қоровуллигини олувдим. Бир-иккитаси кўролмасдан Зубайдага чақишибди. У ишдан ҳам...

ЗУБАЙДА:— Материалларни сотиб юборибсиз-ку, ахир уларни сотишга эмас, иморатларга ишлатишга олиб келишган-ку.

ЗИКИР:— Сотмадим. Бир-иккита бечора ҳол уй қурадиганлар бўлса керак, материалга қийналиб ялинишганди раҳмим келди. Ғишт, тахта, бўёқ, цементдан бердим, ўзлари пул ташлаб кетишса мен нима қилай?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Ўғирлик қилибсанда.

ЗИКИР:— Боринг-е, сиз ҳам ўшаларнинг гапини гапирасиз-а? Мени ишдан бўшатишса Зубайда нима дейди денг?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Хўш?

ЗИКИР:— Бу кишини қамаш керак эди, сизларга раҳмат, кечирибсиз, деса бўладими? Юрагим чиқиб кетди. Ҳой, ўз хотининг сенга турмани рўкач қилиб турса, ўласанми, куясанми? Бўшатишгани яхши бўлибди, энди уйда тинчгина ўтирарканман, десам қаёқда, кўчма клубга мудир ёрдамчиси қилиб қўйишибди. Роса югур-югури кўп иш экан. Мудир Мадамин ака ҳеч тиниб тинчимаган одам. Жонимдан тўйиб юргандим, комиссия келиб қолиб, мендан маданий-оқартув ишлари қалай, деб сўраб қолди. Мадамин аканинг клуб оқлаш билан иши йўқ, уни қурувчи-ремонтчилар дўндиришади, дедим. Кимсиз деб сўрашган эди, Зубайданинг эриман, дедим. Эссиз, эссиз. Зубайдага қийин экан, деса-я. Ҳамма шу томонда-я, ҳеч ким менга қайишмайди.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Тўғри, Зубайдага қийин бўлибди.

ЗИКИР:— Нима деяпсиз, нега мени ўйламайсиз? Терим пайтида даласига ҳайдаб борди. Кеккайманг, шалпайманг, хотин-қизлардан орқада қолманг, йиқилиб тушманг, деб ёнимдан нари кетмайди. Нима, мен унинг қулиманми?! Тағин одамларга Зикиржон акамни тепасида ўзим туриб, ўзим ишлатиб одам қилмасамми, деб мақтанганига ўлайми?

ЗУБАЙДА:— Тўғри, шундай дедим. Бўлмасам, қачон одам қаторига қўшиласиз?

ЗИКИР:— Ан, ана, кўрдингизми, ўз оғзидан эшитаяпсиз-а? Ҳар қадамда — дакки, туртки. Кеча ойимтилла бригадасининг ютуғи — «Жигули» машинаси мукофот қилиб берилгани ювилди. Тўй бўлди.

Ўша зиёфатда жуда қаттиқ хўрландим. **(йиғлайди).**

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Бас қил йиғингни, хўш кейин нима бўлди?

ЗИКИР — Зиёфатга кеганларнинг ҳаммаси Зубайданинг айтганини маъқуллади. Қозонга ўт қалаб, самоварга қарашай десам, ҳаммаси бу ерда сизга нима бор дейди. Эшик олдида одам кутинг, деб ҳайдашади. Гапимга биров қулоқ солса кошки. Эшик олдида турганимда «Келинг, марҳамат, хуш кўрдик», деган сўзларни эплаб айтолмадим. Биласизку, мен кўпчилик олдида миқ этолмай, билган гапларимни ҳам эсдан чиқариб қўяман. Кеча десангиз, довдираб «келинг, марҳам, хуш хўрак» дебман. Бир жувон мени чақирдингизми, деб, югуриб ёнимга келди. Унинг исми Марҳам экан. Зубайда ҳамманинг олдида номусларга ўлдирдингиз, кўзли кесак экансиз, деса бўладими? Хўрлигим келиб зиёфат тугамаёқ жўнавордим. Мана орқамдан ялиниб келиб ўтирибди. Ҳа, ялинмас экансан-а!

ЗУБАЙДА:— Сизга ялинмай кимга ялинаман, хўжайин?

ЗИКИР:— Тағин хўжайинлаб жонимни олади-я. Кўрдингизми?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Шунча айбларингни кечириб, сени эр қилиб юрган Зубайдага минг раҳмат!

ЗИКИР:— Қанақа айбларим?

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Ҳозир ўз оғзинг билан айтдинг-ку.

ЗИКИР:— Ё, товба, мен сизга дардимни айтдим-ку? Сиз ҳам сотилдингизми ё? Зубайданинг макрига учиб унга ён босдингизми-а? Унинг макри шунақа зўр, фақат менгина учмайман, менгина чидайман.

ЗУБАЙДА:— Майли, мен маккор, ҳийлагар. Мендан ўтган бўлса кечиринг, энди кетамизми?

ЗИКИР:— Қаёққа?

ЗУБАЙДА:— Ўзимиз турган ёққа?

ЗИКИР:— Яна эзилгани, хўрланганими?

ЗУБАЙДА:— Шартларингизга кўнаман, юринг кетдик. Қочоқлар деган гап-сўзга қолмайлик тағин. Номус ўлимдан ёмон.

ШАҲОДАТ ХОЛА:— Борақол, бор ўғлим. Энди бунақа аразлаб келма, мен ор-номус қиламан.

ЗИКИР:— Зуғум қилмайсанми?

ЗУБАЙДА:— Йўқ!

ЗИКИР:— Хўрламайсанми?

ЗУБАЙДА:— Хўжайин, ўлибманми, сизни хўрлаб?

ЗИКИР:— Ойимга сўз бер, онт ич! Тилхат ёз!

ШАҲОДАТ ХОЛА:— **(ўғлининг қулоғига секин).** Бор, боравер, яқинда ўзинглардан кўпайиб, овунчоқ билан қувониб қоласизлар. Зубайданинг бўйида бор, уни хафа қилаверма!

ЗИКИР:— Шунақами, яхши бўларкан. Боласини боқиб, уйда тинчгина ўтирарканман. Ўзи мени эргаштирмай даласига бориб келаверади-а?

**Тожибой АЛИМОВ.**

## «ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Ер юзидаги энг катта ярим орол. 2. Амрико китъасидаги энг баланд шаршара. 3. Энг қадимий транспорт тури. 4. Жанубий Амрикодаги энг катта чўл. 5. Жумҳуриятимиздаги энг кучли аёллар чим устида хоккей жамоаси. 6. Энг улкан илон. 7. Дунёдаги энг қадимий, Овруподаги шаҳар. 8. Энг камёб тоғ жониворларидан бири. 9. Ойнаи жаҳоннинг энг биринчи маркаларидан бири. 10. Энг танилган футбол жамоаси номи. 11. Энг каттиқ маъдан. 12. Энг биринчи бошқариладиган орбитал илмий станция. 13. Аҳолиси энг кўп пойтахтлардан бири. 14. Энг катта халқаро спорт мусобақаси. 15. Туркистондаги энг қадимий китоб. 16. Энг улуғ зот. 17. Энг биринчи дарслик. 18. Энг кўҳна сув транспорт воситаси. 19. Энг узун дарё. 20. Коинотга энг биринчи учирилган ит. 21. Тебранаётган жисмнинг мувозанат ҳолатидан энг четга узоқлашиши. 22. Овруподаги энг митти давлатлардан бири. 23. Араб алифбосидаги энг биринчи ҳарф. 24. Ўрта Осиёдаги энг катта музлик. 25. Узоқ Шарқдаги энг совуқ жой. 26. Энг серсув, сершира ҳўл мевалардан бири. 27. Туркманистоннинг энг жанубидаги шаҳар. 28. Энг кучли музёрар кемалардан бири. 29. Гўдакларга айтиладиган энг биринчи ва қадимий қўшиқ.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

# Хандалар

### МУКОФОТ

*Хотин эридан сўради:*

— Ҳай, дадаси, менга мукофот ёзишибди дегандингиз, олдингизми?

— Олишдан воз кечдим.

— Вой, нега?

— Юз сўмлик мукофотни минг сўм сарфлаб «ювиш»га кимнинг тоқати бор.

### МАШИНАНИНГ ЭГАСИ

*Хотин эрига буюрди:*

— Ҳай, дадаси, «Жигули»ни гараждан олиб чиқинг, ойимлар телефон қилиб тезда келинглар, деганлар.

— Бир қадам ҳам жилмайман.

— Вой, нега?

— Ўзинг айтгандинг-ку, кечқурун соат 8 дан кейин машинани бир қадам жилдирсангиз сиз билан бошқача гаплашаман, деб. Сен билан бошқача гаплашишга тоқатим йўқ.

### САНЪАТСЕВАР

*Икки дўст учрашиб қолишди:*

— Йўл бўлсин, ошнам?

— Театрга.

— Ие, янгилик-ку, театрга ҳеч бормайман, томошага ҳушим йўқ, деб юрардинг-ку?

— Ҳали ҳам томошага эмас, ўша ерга қоровулликка ишга кирганман.

## БИЛАСИЗМИ!

● **Америкалик** машҳур файласуф ва математик Чарльз Сандерс (1839—1914) ҳар икки қўлини шу даражада яхши ишлата олганки, бир пайтнинг ўзида ўнг қўли билан савол, чап қўли билан шу саволга жавоб ёза олган.

* * *

● **Музқаймоқ** бундан уч минг йил муқаддам Хитойда маълум эди. Уни қор ва мева шарбатидан тайёрлашган. Лимон ёки апельсин шарбати қўшиб тайёрлангани айниқса зўр бўлган. Музқаймоқ тайёрлаш усули Европада XIII асрга келиб маълум бўлган. Уни венециялик машҳур сайёҳ Марко Поло олиб келган.

* * *

● **Ўтган** аср бошларида Англияда кўчада ичиб юрган матрослар қўлга тушиб қолгудек бўлишса, уларга ифлос кийим-бош кийдириб, энг қора ишларни бажаришга мажбур қилишган.

● **Тўлин** Ой Ер юзини Қуёшга қараганда 440 минг марта кам ёритади.

● **ЭНГ** қаттиқ ухлайдиган ҳайвон юмронқозиқ бўлиб уни қишки уйқу пайтида уясидан суғуриб олиб хоҳлаганча қийнасангиз ҳам уйғонмайди. Дарвоқе у бир йилда тўққиз ой ухлайди.

● **Деярли** ҳамма қушлар сув ичганда тумшуғини сувга тиққач, бошини осмонга кўтаради. Фақат кабутар ва мусичагина бу одатдан холи.

# ФЕВРАЛЬ

## 8 ДУШАНБА

**● ЎзТВ I**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Менинг филим бўл». Мультфильм.
18.25 «Сирли олам». Инсон самога интилади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Муҳандис». Ўзбекистон Республикаси Муҳандислик академиясининг фаолиятидан.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Қарвон». Афғон уруши ва унинг битмас жароҳатлари. 1-кўрсатув.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мулоҳаза». Мухтор Ашрафийнинг «Дилором» операси ҳақида.
22.10 «Севги қудрати». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.15 «Бевосита мулоқот». Имтиёзли нафақалар.
21.15 «Билиб қўйган яхши» (такрор.).
21.30 «Номлар — маънавият белгиси». Давлат тилида иш юритиш.
22.20 «Йўлингиз бехатар бўлсин!» Тошкент вилояти Давлат автомобиль назорати ходимлари катнашадилар.
22.55 «Лаҳза». Хабарлар.
23.10 «Иссиқ қор». Бадиий фильм.

**● «ОРБИТА IV»**

5.55, 9.20, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.25 «Тингланг, томоша қилинг».
9.45 «Мосфильм» киностудиясининг 70 йиллигига. «Қувноқ йигитлар». Бадиий фильм (1934 й.).
11.30 «Хаёлида шоҳ билан». Телефильм.
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Янги авлод танлайди».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Котильон» (Украина).
16.40 Мультфильмлар.
17.05 «Старинэйджер».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «НЭП».
19.00 «Иқболи кулганда».
19.40 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 1 ва 2-сериялар.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Мосфильм» киностудиясининг 70 йиллигига. «Қувноқ йигитлар». Бадиий фильм.
23.10 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» таништиради:
23.25 «Бироқ».
23.35 «Монтаж» (Жванецкий «дўкони»). Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
00.35 «Озодлик томон бир қадам».

**● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Қор — менинг тақдирим». (Норильск. Йиллар. Одамлар). Кўп серияли телефильм. 8-серия.
9.50 «Паралеллар».
10.05 «03»-кўрсатуви.
10.35 «Қузирхоним.
11.05 Кундузги сеанс. «Ха-бисси». Бадиий фильм.
12.25 «Менинг пладидамнинг оҳанги». 3-кўрсатув.
12.45 «Шура ва Просверняк». Бадиий фильм.
14.10 «Танаффус». Сигеми куйлайди (Япония).
14.20 «Дунё қараши кенг». «Бизнеснинг шаклланиши» туркумидан телефильм.
14.50 Янгиликлар.
15.05 «Рост» студияси.
15.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
16.00 Трансросэфир. «Орол».
16.45 «Қутқарувчилар-911».
17.45 «Танаффус». Крис Кельми куйлайди.

18.00—20.55
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
* * *
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

20.55 Душанба куни детектив. «Лаки Страйк» таништиради: «Боскинчи». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан (АҚШ). 1-серия.

* * *

21.55—23.00
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
* * *
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

23.00 Қатталар учун мультфильм.
23.10 «Лаки Страйк» таништиради: «Боскинчи». Бадиий фильм. 2-серия.

## 9 СЕШАНБА

**● ЎзТВ I**

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қайта тергов». Бадиий фильм.
8.35 Дунё хабарлари.
8.45 «Алишер Навоий». Телефильм.
9.35 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.05 Болалар учун «Совға» (такрор.).
10.35 Ўқув кўрсатуви. Информатика.
11.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.35 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнитизм ва унинг аҳамияти.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тиканак пўстинли чўчка боласи». Мультфильм.
18.20 «Қичкинтой» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Қарвон». 2-кўрсатув.
19.55 «Мерос». Навоий гулшани.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Деҳкончилик ва инсон саломатлиги».
22.00 «Узундан узоқ иш». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестри ижро этади.
20.00 «Алоқалар ва шартномалар».
20.30 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларидан.
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

**● «ОРБИТА IV»**

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди».
9.40 «Елғон дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Польша).
10.30 В. А. Моцарт. Скрипка ва оркестр учун ре мажор концерти.
10.50 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 1 ва 2-сериялар.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:
12.20 «Масхарабозни кулдиринг». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
14.30 «Совчи». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Немис маданияти фестивали қатнашчиларининг концерти.
16.25 «Леннеберглик Эмиль». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия (Швеция).
16.50 «Янги номлар».
17.30 «Тинчлик марши.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Дунёнинг ҳар томони» кўрсатувини таништиради.
18.50 «Елғон дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
19.40 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Биндюжник ва қирол». Бадиий фильм. 1-серия (М. Горький номли киностудия).
22.50 «Матбуот-экспресс».
23.00 С. Рахманинов номли пианиночилар халқаро танлови совриндорларининг якунловчи концерти. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.25 Каратэ. Профессионал лига турнири.

**● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Мушуклар — бизга ҳамроҳ».
9.10 Театр сафари. «Медалнинг орқа томони». Никита Жигурдиннинг ижодий портрети.
10.10 «Кўздан ғойиб бўлган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви.
11.05 Кундузги сеанс. «Унинг навкиронлик сири». Бадиий фильм.
12.35 «Кечки салон» саҳифаларида.
14.05 Телебиржа.
14.35 Янгиликлар.
14.55 Мульти-пульти.
15.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
16.00 Трансросэфир. «Космополис № 7».
16.45 «Альбуцид». Ахборот-аналитик кўрсатув.
17.20 Тилла новда. «А. С. Пушкин мактублари».
17.50 Спорт кўрсатуви.

* * *

18.00—21.05
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
* * *
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

21.05 «Асил ҳолича...» Михаил Жванецкий «Республика» матбуот марказида.

* * *

22.00—24.00
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

## 10 ЧОРШАНБА

**● ЎзТВ I**

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қора ўқ». Бадиий фильм.
8.55 «Номлар — маънавият белгиси» (такрор.).
9.45 «Тандир, арча, олов...». Телефильм.
10.00 Турк тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Биоценоз ва агроценоз.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жўғрофия. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тоғлари.
12.00 «Ёшлик ёғдуси». Андижон вилояти ёшлар ҳаётидан.
13.00 Болалар учун фильм. «Егорка».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қуён оғаникида ҳовли тўйи». Мультфильм.
18.30 «Жамоат ташкилотларида». Қасаба уюшмалари ҳаётидан.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Футбол майдонларида».
19.50 Мусиқий дақиқалар.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Қарвон». 3-кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Назорат ойнаси». Ўзбекистон телевидениеси ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар тижорат савдо тармоқлари бўйлаб қўшма рейди.
22.10 «Дилдаги гаплар». Маъмура Эргашева.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**

18.30 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг».
19.10 «Мусиқали меҳмонхона». Убайдулла Аҳмаджонов куйлайди.
19.40 «Спринт».
20.10 «Ишбилармонлар». Тадбиркорларнинг хайрия тадбирларидаги иштироки.
20.45 «Театр оламида» (такрор.).
21.35 «Бешикаст». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

**● «ОРБИТА IV»**

5.55, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Сеҳргарнинг шогирди». Мультфильм.
9.40 «Елғон дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.30 «Шаҳар этюди». Телефильм премьераси. (Санкт-Петербург).
10.40 «Истеъдодлар ва мухлислар».
11.40 «Нинахон қандай қилиб малика бўлди». Мультфильм.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 Ж. Сименон. «Мегрэ ва скамейкадаги киши». Телеспектакль. 1-қисм.
13.50 «Ўғил». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Диққат: ёшларнинг ўнинчи...»
16.35 «Леннеберглик Эмиль». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия.
17.00 «Қизлар орасидаги сир».
17.20 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Таниш, номаълум кишилар» кўрсатувини таништиради.
18.55 «Елғон дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
19.45 «ТВ-версия» туркумидан «мулкчиликнинг телеўзгариши ҳақидаги фильм премьераси.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Биндюжник ва қирол». Бадиий фильм. 2-серия.
22.50 «Матбуот-экспресс».
23.00 «Шеърият альбоми». А. С. Пушкин хотираси.
23.25 «Останкино» хит-паради. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.00 Рукн премьераси. «L — клуб».
01.40 Ж. Сименон. «Мегрэ ва скамейкадаги киши». Телеспектакль. 1-қисм.

**● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 «Асил ҳолича...»
9.50 «Сиёсат майдонида».
10.45 «Паралеллар».
11.00 «Бола тилидан...»
11.40 «Арт-обстрел».
12.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 129-серия.
13.35 «Бизнес: янги номлар».
13.55 «Гап-гаштакларни кўмсаб».
14.25 Россия телевизион театри. Ж. Сименон. «У йўқлашган куни келди». 1-серия.
15.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
16.00 Янгиликлар.
16.15 «Рост» студияси. «Янги йил пироги» саҳифаларида.
16.45 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.30 Христианлар учун кўрсатув.

* * *

18.00—22.25
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
* * *
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Ватандошлар «Латвиядаги руслар».
23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.40 «Тбилиси-80» рок-фестивали (13 йилдан сўнг премьера). Ҳужжатли фильм.

## 11 ПАЙШАНБА

**● ЎзТВ I**

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Энг жанубий», «Қора сувсар изидан». Телефильмлар.
8.00 Дунё хабарлари.
8.10 «Дадиллик учун юз грамм». Бадиий фильм.
9.20 Араб тили.
9.50 «Халқ куйларини қалбингда сақла», «Омонёр». Фильм-концертлар.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. Максуд Шайхзода. «Мирзо Улуғбек» фожиаси.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўрта Осиё халкларининг мўғул истилочиларига қарши олиб борган кураши.
12.00 «Масъулият ҳисси». Ўрта Чирчиқ райони солиқ инспекцияси фаолиятидан.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Квакша». Мультфильм.
18.30 «Табиат алифбоси». Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қарвон». 4-кўрсатув.
19.55 «Муз устидаги мўъжизалар». Адабий-мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Эрон Ислом жумҳуриятининг миллий байрами — Инқилоб ғалабаси куни. «Эрон лавҳалари».
22.05 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.

**● ЎзТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ**

18.30 «Қизиқарли учрашувлар» (такрор.).
19.30 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Бу оқшомда».
21.30 «Пульс». Хабарлар.
21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

**● «ОРБИТА IV»**

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.

9.20 «Зое кетган вакт ҳакида эртак». Мультфильм.
9.40 «Елғон дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
10.30 «Ракс оҳангларида тақдир». Телефильм.
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 Ж. Сименон. «Мегрэ ва скамейкадаги киши». Телеспектакль. 2-кисм.
13.30 «Осонликча топилган нон». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.50 «Ўғил». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.00 Янгиликлар
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Хайрихоҳлик». Минск хайрия ташкилотларининг иши ҳакида.
17.05 «Джем».
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.45 «Елғон дарё». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
19.35 «Кинопанорама».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 Рукн премьераси. «Ғазаби ортган 12 эркак».
22.20 «Матбуот-экспресс».
22.30 «Шогирдлик дамлари». М. Цветаева.
23.10 Москвада Украина санъати марказининг очилишига бағишланган концерт. Давлат Кремль саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
00.55 «Овозли йўлка». ТВ-версия.
01.25 Ж. Сименон. «Мегрэ ва скамейкадаги киши». Телеспектакль. 2-кисм.

**● «ДУБЛЬ IV»**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Ватандошлар. «Латвиядаги руслар».
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диккат, сувратга олаяпман».
10.05 «Хулк-атвор».
10.35 «Мукаммаллик комплекси». Сергей Дебижев киноси.
11.35 «Менинг планидамнинг оҳанги». 4-кўрсатув.
11.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 130-серия.
12.45 Ретро. «Меридиан» триоси.
13.35 «Ижица».
14.05 Россия телевизион театри Ж. Сименон. «У йўклашган куни келди». 2-серия.
15.05 Янгиликлар.
15.25 «Деҳконларга тааллуқли масала».
16.00 «Стью Леонард дўкони». «Бизнеснинг шаклланиши» туркумидан телефильм.
16.30 Мульти-пульти.
17.00 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси».
17.45 «М-трест».

18.00—22.25
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Катталар учун мультфильми.
22.40 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
23.10 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.40 «Лўлилар ракси ва романси шарафига».

## 12 ЖУМА

**● ЎзТВ I**
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Турғун Алиматов ижро этади.
7.45 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм.
9.20 Инглиз тили.
9.50 «Нишона». Еш ижодкорлар билан учрашув.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ирсият қонунлари.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Сут эмизувчилар синфи.
12.00 Болалар учун фильм. «Таня ва уч мушкетёр».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Леопольднинг сайри», «Леопольднинг автомобили». Мультфильмлар.
18.30 «Тадбиркор». Телеойнома.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Карвон». 5-кўрсатув.
20.45 Мусиқий дақиқалар.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик иқтисодиёти». Кўрсатувни иқтисод фанлари доктори, профессор С. Зайниддинов олиб боради.
22.00 «Дўст». Бадиий фильм.

**● ЎзТВ II**
**18.00 БИШКЕК КЎРСАТАДИ**

**● «ОРБИТА IV»**
5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Зазеркалье». «Қизил бошмоклар». Телевизион бадиий фильм.
10.50 Г. Свиридов. «Кичик триптих».
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Театр шинавандалари, Сизлар учун!
12.20 «Ретро». Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. Муаллиф — А. Галин.
14.40 «Тирик мерос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тошкент).
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 В. Арафилов чалади (аккордеон).
16.20 «Зазеркалье». «Қизил бошмоклар». Телевизион бадиий фильм.
17.50 «Иш».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Вагон-03».
18.55 «Инсон ва қонун».
19.25 «Пушкин қадамжоларини асровчи».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.40 «Детективлар клуби»да. «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Сомнамбуллар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Хитойлик» сериалидан (Франция).
23.15 «Матбуот-экспресс».
«ВИД» таништиради:
23.25 «Сиёсий бюро».
00.35 «Музобоз».
01.15 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

**● «ДУБЛЬ IV»**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Буржлар» туркумидан.
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
10.05 Ретро. «30-йиллар кўшиклари». 2-кисм.
10.35 «Мусиқий синов». Еш эстрада артистларининг танлови.
11.35 «Телекроссворд».
12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 131-серия.
12.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
13.40 «Деҳконларга тааллуқли масала».
14.05 «Жаноблар — ўрток-лар».
14.20 Россия телевизион театри. Ж. Сименон. «У йўклашган куни келди». 3-серия.
15.55 Телебиржа.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».
17.10 «Трансросэфир».
17.40 Парламент хабарномаси.

18.00—18.35
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
18.35 Жума кунлари Уолт Диснейнинг «Тепса-тебранмас». Бадиий фильм. 1-серия.
19.25 Мульти-пульти.
19.30 Ф. И. Шаляпин ҳакида ҳужжатли фильм.
20.25 «Илон овловчи». Бадиий фильм.

22.00—24.00
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

## 13 ШАНБА

**● ЎзТВ I**
7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 Дунё хабарлари.
8.10 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
9.35 Еш спортчилар мактаби: 1. Шоҳрух клуби. 2. Миллий кураш сабоқлари.
10.25 «Анъана ва замон». Бухоро вилоятидан.
11.05 «Алифбо сабоқлари».
11.35 «Ғазалхон ёшлигим». Кўрсатувда шоир С. Саййид, шифокор М. Каримова, хонанда Н. Носировалар иштирок этади.
12.15 «Саноатимиз одимлари». Республикада қайта ишлаш саноатини ривожлантириш.
12.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўзингни эр билсинг».
13.25 «Ишкибоз». Спорт шинавандалари ҳакида.
13.55 Ҳамид Ғулом, Шоҳида Шоҳимардонова. «Муҳаббат навоси». Мукимий номли Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қизча ва куёнлар», «Нима бўпти» лақабли бегемот ҳакида», «Бир куни сахрода». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эстрада концерти.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 «Ўзбек киноси» изланиши давом этади».
21.00 «Туркистон» ахбороти.
21.30 «Фан уфқлари». Республика Олий аттестация комиссияси.
22.10 «Маҳобҳорат». Кўп кисмли бадиий видеофильм. 3-серия (Хиндистон).

**● ЎзТВ II**
**17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.**

**● «ОРБИТА IV»**
6.50 Эрталабки гимнастика.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.25 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф».
9.55 «Шанба кунги дастхат».
10.25 «Тиббиёт сиз учун».
11.05 «Анатолий Тарасов хоккейи». Телефильм премьераси. 1-фильм — «Дилетантлар» («Экран»).
12.00 Евг. Вахтангов туғилган кунининг 100 йиллигига. К. Гоцци. «Маликаи Турандот». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.
14.30 «Демократия ҳакида новеллалар». Телефильм премьераси. 1-фильм — «Бойўғли ҳозир қаерда яшайди?».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
15.55 «Петрополь. Шоир Юрий Воронов».
16.55 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви.
17.55 «Қизил квадрат».
18.35 «Ҳайвонот оламида». «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги.
18.00 «Кичкинтой» студияси. «Гиждувон чечаклари».
18.30 «Элга хизмат». Телеойнома.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Билиб кўйган яхши».
19.35 «Санъат олами». Рассомлар уюшмасининг кўргазма залида.
20.00 Дунё хабарлари.
20.10 Телевизион миниатюралар театри.
20.50 Жаҳон спорти янгиликлари.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мерос». Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига.
22.30 Жаҳон киноси ҳазинасидан. «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм (рус тилида).
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**● ЎзТВ II**
**9.00—12.00**
**18.00—23.00**
**БИШКЕК КЎРСАТАДИ.**

**● «ОРБИТА IV»**
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.35 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Спортлото» тиражи.
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврлар сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида».
10.30 «Тонг юлдузи».
11.20 «Ҳарбий-ревю».
12.00 «Олам дам олишда».
12.45 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.
13.10 «Марафон-15».
14.00 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.10 «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳакиқий ажина овловчилар». Мультфильмлар премьераси.
17.05 «Каслинский». Телефильм.
17.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар.
19.00 «Мариинскдаги променад».
19.55 «Кивин-93». Воронежда КВН командаларининг фестивали.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Якунлар».
22.50 «Матадор».
23.50 «Лорд Артур Сэвил жиноятлари». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Ракслар, ракслар, ракслар...», «Россия-92» III халқаро ракс турнири.
01.05 «Видеодром».

**● «ДУБЛЬ IV»**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
8.20 «Оламга ўз нигоҳи билан караш».
8.50 «Формула 730». Ахборотдам олиш кўрсатуви.
9.20 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш».
9.50 «Бурда моден» тавсия этади.
10.20 «Фольклор».
10.50 «Дорраэмон». Мультфильм премьераси.
11.05 Кундузги сеанс. «Айболит-66». Бадиий фильм.

12.40—15.45
**«ЎЗБЕКИСТОН»**
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
15.45 «Тилла шпора».
16.15 «Экспо-марказ» таништиради.
16.20 «Чегарасиз футбол».
17.15 «Бола тилидан...»
17.45 «Танаффус». Андрей Билль куйлайди.

18.00—23.55
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
23.55 «Ассорти».
00.25 «А». программаси.
00.55 «Ад либитум». «Альянс» гурухининг концерти.

## 14 ЯКШАНБА

**● ЎзТВ I**
7.00 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиков.
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Маҳобҳарат». Кўп секисмли бадиий видеофильм. 3-серия.
9.15 Дунё хабарлари.
9.25 «Ўзбекистон спорти».
9.45 «Мўъжизалар маскани». Ўзбек цирк санъати.
10.45 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 1-кисм.
11.25 «Менинг маҳаллам». Қорақалпоғистонлик меҳмонлар Тошкент маҳаллаларида.
11.55 «Ватанпарвар». Республика ўрта мактабларида бошланғич ҳарбий таълимини яхшилаш.
12.45 «Инсон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун публицистик мусиқий кўрсатув.
13.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади.
14.45 Тижорат канали, «Юксалиш йўлида». Косон районидаги «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.
10.00 «Қалит» кўрсатуви.
10.30 «Ҳали англанмаган қонунот».
11.00 «Ати-бати...»
11.30 «Телекроссворд».
12.00 «Кесиб ташламанг...»
12.15 Кинокўз.

13.55—16.45
**«ЎЗБЕКИСТОН»**
**ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
16.45 «Оқ қарға».
17.35 Парламент хабарномаси.
17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—18.35
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
18.35 Уолт Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».

19.25—20.20
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
**РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
20.20 Телеэкранда премьера. «Бевосита кўрсатув». Бадиий фильм.
21.45 «Кино-рўйхат».

22.00—24.00
**ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

# АКСИРИШ ВА... ЖОДУ

— А... а... а... ппп-шуу!
— Соғ бўлинг!
— Раҳмат.

Бу оддий физиологик-ижтимоий ҳодисага қарийиб ҳар куни, грипп тарқалган кезлари эса кунига бир неча мартадан дуч келамиз. Аксиришга шу қадар одатланиб кетганмизки; аксари ҳолларда умуман эътибор бермаймиз. Ваҳоланки, у диққатга арзигули ҳодиса экан.

Очиғини айтганда, авваллари бунга мен ҳам бепарво қарардим. Бир йили Москвада қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича ўтган анжуман пайтида бир олим билан Одам ва Олам жумбоқлари ҳақида суҳбатлаша туриб, беихтиёр аксириб юбордим. Табиийки, суҳбатдошим соғлиқ тилади, мен миннатдорлик билдирдим. Сўнг гапни давом эттиришга чоғланган эдим, олим қўлини кўтариб сўзимни бўлди:

— Мана сизга оддий бир мисол. Ҳозиргина товуш тезлигидан ошиб кетганингизни биласизми?

— Йўғ-е, аксиришда-я? — деб сўрадим ажабланиб.

— Суриштириб кўринг ишонмасангиз, — дея кулди олим.

Қизиқиб қолиб, суриштириб кўрдим. Буни қарангки, мухтарам ғазетхон, чиндан ҳам шундай экан — сиз жойингизда ўтирган ҳолда товуш тезлигидан ошиб кета оларкансиз!

Бу жараён уч босқичда кечади: аввалига шиддат билан нафас оласиз, (... а-а-а...) кейин беихтиёр тилни кўтариб, оғизни беркитасиз ва нафасни чиқармай ўпкадаги ҳаво босимини ошира борасиз; ниҳоят, ҳаво кучли шиддат билан икки ҳамлада отилиб чиқади — олдин ҳалқумбурун бўшлиғи орқали (... п-п-п...), сўнгра пастга тушган тил устидан оғиз бўшлиғи орқали (... шуу!). Уччала босқичдаги ўзига хос товушларнинг бари бирлашиб, бир лаҳзалик аксиришни ташкил қилади. Олимларнинг айтишича, айнан «... п-п-п ...» жараёнида ҳаво ҳамда тупук томчилари бурун бўшлиғи орқали товуш тезлигидан юқори — бир лаҳзада 400 метргача етадиган тезликда отилиб чиқади. Бинобарин, бу шиддатли ҳаво оқимини тўхтатиб қолишга бўлган ҳар қандай уриниш бурун шиқкастланишига ва қон оқишига олиб келиши мумкин. Лекин бу билан атрофдагиларга ҳурмат юзасидангина ҳар куни неча марталаб ўзимизни шундай хатарга қўямиз.

Буни қарангки, аксириш сирлари шу билангина тугамас экан. Акса ураётган пайтда дастрўмол ёки қўл билан оғизни беркитиб туриш одатимиз саломатликка яққол даҳлдор: бу билан грипп, қизамиқ ва оддий шамоллашни бошқаларга юқишига тўсқинлик қиламиз! Аммо ҳар сафарги акса урганимизда атрофдагилар бараварига «Соғ бўлинг!» дейишдек одат қаердан келиб чиққан? Олимларнинг айтишича, бу шартли рефлекс юқумли ўлат касаллиги тез-тез тарқалиб турган замонларда туғилган бўлиши мумкин. У кезлари акса уриш одам тезда ўлиб кетишининг дастлабки белгиси эди.

Бошқа олимларнинг фикрига қараганда, ҳар бир акса уришга жавобан саломатлик тилаш ўзига хос дуо бўлиб, янада қадимийроқдир. Зеро, дунё халқларининг аксариятида акса уриш маҳали инсондаги руҳ қисман очилади ёки йўқолади, деган эътиқод мавжуд.

Аксириш юқумли касаллик ва аллергия белгиси, совуқ ҳаво ёки чанг бурун бўшлиғини қитиқлаши оқибати бўлиши мумкин, лекин бевосита сабаблар орқали рўй берадиган ҳол ҳам мавжуд. Жуда кўпчилик кучли ёруғликка дуч келган маҳал зўр бериб аксира бошлайди. Ёруғлик таъсирида дарҳол кўз намланади, кўз ёши эса бурун бўшлиғига ўтиб, акса уришга олиб келиши мумкин. Бироқ, ёруғликка нисбатан жавоб жараёни шу қадар тез кечадики, юқорида келтирилган изоҳлар ҳеч кимни қониқтира олмайди.

Энди, марҳамат қилиб, америкалик биолог олим Лайэлл Уотсоннинг аксиришга оид қизиқарли фикр-мулоҳазалари билан танишинг. Унинг ёзишича, Америкадаги Азанде қабиласида шундай бир эътиқод бор: тасодифан бир марта акса урсангиз, демак, қаердадир сиз ҳақингизда яхши гап айтишаяпти, мабодо кетма-кет аксирсангиз — кимдир сизни орқаваротдан ёмонлаяпти. Тажрибаларга қараганда, айрим кишилар бошқа одамларнинг вужудида кечаётган физиологик жараёнларга масофадан туриб таъсир кўрсатиши мумкин. 1959 йили Прагада тадқиқотчи Стефан Фигар бир одам жадал ўйлаши натижасида ундан маълум масофада хотиржам ётган бошқа бир одамнинг қон босимини ўзгартира олиши мумкинлигини аниқлади.

Нью-Йоркдаги муҳандислик колледжида эса Дуглас Дин яқин бир одами ҳақида зўр бериб ўйлаш билан қаерда юрганидан қатъий назар унинг артериал қон босимини ва айланувчи қон ҳажмини ўзгартиришини кашф этди. Тиббиётда плетизмограф деган бир асбоб бор — қон томирларининг ҳолатига боғлиқ ҳолда бармоқ, қулоқ, қўл-оёқ каби аъзолар ҳажмининг ўзгаришларини қайд этади. Тадқиқотчи Дин эса юқоридаги кашфиётдан алоқа воситаси сифатида фойдаланиб, Нью-Жерсидан Флоридага — ушбу тажрибадан бехабар ҳолда плетизмограф ёнида хотиржам ётган одамга Морзе алифбоси ёрдамида оддий сигналларни юборишга муваффақ бўлган.

«Дуглас Диннинг кашфиёти бир одам ҳақидаги бошқаларнинг фикри, ҳатто олис масофада ҳам унга етиб бориб, физиологик ўзгаришларини ва бу ўзгаришларни ўлчаш мумкинлигини кўрсатди, — деб ёзади Лайэлл Уотсан. — Шундай экан, кексаларнинг ким тўғрисида орқаваротдан гапиришаётган бўлса, унинг қулоғи қизийди, дейишлари ҳам бежиз эмас. «Сиз ҳақингизда онангиз ўйлаётганда ўнг қулоғингиз қизийди, севган қизингиз эслаcа — чап қулоғингиз» деган гап тўғри эмасдир эҳтимол, бироқ айрим фикрий жараёнлар бевосита жисмоний ўзгаришлар билан бирғаликда кечади, деб тахмин қилиш учун бизда асос бор. Азанде кишиларни яхши ва ҳайрихоҳ фикрга нисбатан кучли ёвуз фикр кўпроқ акса уришга мажбур қилади, деб ўйлаши ҳам тўғридир, балки. Юрак уришини нима тўхтатади: инсоннинг миясими ёхуд бошқа кишиларнинг ёвуз фикрлари ва қилмишларими? Бунинг аҳамияти йўқ. Инсон шок ҳолатидан ўлади. Бундай лаҳзалик ўлим қўлига тушган ёввойи ҳайвонларда ва тутқунликдаги жониворларда тез-тез кузатиб туриладии».

Ана холос! Акса уришни тўхтатиш хавфли дейишса, бунга ишониш мумкин ҳар қалай. Лекин арзимас бир «апшу!» ҳақида шунча жиддий гаплар борлиги ва улар сал бўлмаса ўлимга бориб тақалаётгани ақлга сиғмайдиган бир ҳодисадир. Йўғ-е, жуда бунчалик эмасдир-ов! Олимлар ҳам гапни олиб қочишни, арзимаган нарсадан ваҳима кўтараверишни намунча яхши кўришмаса-я?!

Шундай деб ўйлаб ўзимни ва ўзим билан бирга газетхонни ҳам юпантиришга уринаман. Бироқ... шу муносабат билан бошқа нарсалар ёдга тушаверади беихтиёр. Қувват-ахборот алмашинувига бағишланган йирик илмий анжуманлар минбаридан туриб нуфузли олимлар тўкилган соч, тушган тиш ва кесилган тирноқни дуч келган жойга ташламаслик кераклигини қайта-қайта таъкидлашлари... Қувват-ахборот алмашинуви бўйича мутахассислар инсонга масофадан туриб салбий таъсир ўтказиш, яъни жоду қилишни квант механикаси ёрдамида изоҳлашга уринаётганлари... Масофадан бевосита ва бавосита таъсир... Жоду қилувчи жоду қилинувчига тегишли бирон буюмни сўраши...

Қувват-ахборот алмашинуви соҳасида тадқиқот ва тажриба олиб бораётган олимларнинг айтишларича, инсон биоэнергетик система сифатида голограммага ўхшаб кетар экан. Голограмманинг ҳар бир заррасида у тўғридаги тўлиқ ахборот сақланганини каби одамнинг ҳам организмидан ажралган ҳар бир қисмида (тўкилган сочи, тушган тиши, кесилган тирноғи) организм ҳақида тўлиқ ахборот сақланади. Ажралган қисмлар маълум вақтгача мустақил ҳолда яшайди, организмга кўринмас риштлар орқали боғланган бўлади. Бинобарин, ана шу қисмлар орқали организмга зарар етказиши мумкин, деб ҳисоблашади олимлар.

Беихтиёр эслаб кетаман: болалигимизда катталар тишинг тушса томга отгин, оёқ остида қолмасин, деб ўргатишарди. Сочимиз, тирноғимиз ҳар ерда ётишига йўл қўйишмасди. Ҳолбуки қувват-ахборот алмашинуви ҳодисасини билишмаган улар... Биз эса ҳамма нарсани унутиб юбордик! Мана энди шу гуноҳларимизга жазо тариқасида отабоболаримиз соддагина қилиб тушунтириб берган оддий нарсаларни квант механикаси, голография, эниология, биоэнерго-информатика каби фанлар ёрдамида англаб етишга уриниб ётибмиз.

Бу ўринда одамга масофадан туриб бирон буюми, фотосурати орқали ёки ҳеч бир воситасиз салбий таъсир кўрсатиш тўғрисида гапираётганим йўқ. Бу ўринда кўз тегиши, иссиқ-совуқ ва ҳоказо таъсирлардан қандай сақланиш тўғрисида ҳам сўз кетмаяпти. Ҳа, жодуда гап кўз экан... Мен бу кўнгилсиз ҳодиса Ўзбекистонда 1990 йил ёз ойларидан бошлаб кўпайиб кетганини сезган эдим. Кейинчалик махсус адабиёт бу жараён дунё миқёсида кучайиб кетаётганини хабар қилади. Хуллас, «Сеҳр-жоду ва... квант механикаси» мавзуида бир неча йилдан буён йиғаётган маълумотларим анча кўпайиб қолди. Худо хоҳласа, кўнгилга солса, уни ҳам бирон куни ёзиб тугатиб, вақти-соати етганда диққатингизга ҳавола этарман. Ҳозирча, ҳаётий мисоллар етишмай турибди, ўқувчилар ёрдами билан бу жиҳат ҳам турли томонлардан тўлиб қолса ажабмас. Тўпланган маълумотлардан бир чимдимини сизга бериш учун эса оддийгина аксириш сабаб бўлди.

— Ап-шу!— дедингизми?— Соғ бўлинг, азиз газетхон!

**Рустам ОБИД.**


**«Ишонч»**

Бош муҳаррир
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЁРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят мухбири), Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
● Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР
● Ижтимоий, иқтисодий ва социал масалалар — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Безатиш — 56-87-74.
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-39-54;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-63-64;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-59;
Урганчда — 6-87-82;
Фарғонада — 4-47-73;
Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● **Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.**

● **«Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.**

● Сотувдаги нархи 8 сўм.
● ШАНБА кунлари чиқади.
● Босишга 5 февралда топширилди.
● Навбатчи масъуллар: Акмал Акрамов, Жонрид Абдуллахонов.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24 -уй.

● Буюртма — № Г38.
● **81.730 нусхада босилди.**
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6


ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ — Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.